Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2022-YIL 15-IYUL, JUMA № 27 (1394)

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

электрон газетанинг QR кодини ўзингизга юклаб олинг!

## Ўзбекистон – Туркманистон:

# ДАВЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ — БОШ ВАЗИФА

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов 14 июль куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**



Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Самимий учрашувдан сўнг биродар мамлакат делегацияси "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, у ерда Туркманистон Президенти Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Сердар Бердимуҳамедов мажмуа меъморий ечимлари ҳамда композициясининг мазмун-моҳияти ва хусусиятлари билан батафсил танишди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонга ташриф буюраётган олий мартабали меҳмонларнинг ушбу муҳташам мажмуа билан танишуви анъанага айланган.

Ўзбекистон чуқур умумий тарихий илдизлар ва ягона дин, тил, маданият, миллий анъана ва урф-одатлар ўхшашлигига асосланган муносабат ила боғланган Туркманистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратмоқда.

Асрлар мобайнида тинч, ўзаро келишиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаб келаётган икки қардош халқ ўртасидаги муносабат кейинги йиллари янада мустаҳкамланди. Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шериклик теран, кўп асрлик қалин дўстлик, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик тамойили асосида муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кўксарой қароргоҳида Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовни кутиб олди.

Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимуҳамедов махсус шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Фахрий қоровул бўлинмаси бошлиғи рапорт бергач, давлат раҳбарлари қоровул сафи олдидан ўтиб, ўзбек ҳарбий хизматчиларини қутладилар ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроғига эҳтиром кўрсатдилар.

Сўнг Президентлар расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимуҳамедов тор доирада учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон – Туркманистон стратегик шериклик муносабатлари тарихида янги саҳифа очишига ишонч билдирди.

– Улар замирида азалдан мустаҳкам дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш ришталари ётади, – деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон етакчиси Туркманистон Президентини жорий йил март ойида ўтган Президент сайловидаги ғалабаси билан яна бир бор табриклади.

– Донишманд туркман халқи мамлакатдаги кенг кўламли ислоҳотлар давом эттирилишини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, сизга ўз келажагини ишониб топширди. Сизнинг билим ва тажрибангиз, куч-ғайратингиз ва етакчилик қобилиятингиз кўзланган барча режаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилишига шубҳа йўқ, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатларда юксак даражага эришишга ва Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга қўшган беқиёс ҳиссасини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишларида ижобий суръатга эришилганини мамнуният билан таъкидлади.

– Шуни қайд этмоқчиманки, биз учун Туркманистон – минтақадаги ишончли ва муҳим ҳамкор. Бизнинг кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги интилишимиз қатъий, энг яқин қўшнимиз билан стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ниятидамиз, – деди Президентимиз.

Туркманистон Президенти меҳмондўстлик ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раисининг саломини етказди.

– Сиз Гурбангули Мяликгулиевич билан биргаликда икки томонлама муносабатларнинг пойдеворини қурдингиз ва мустаҳкамладингиз, ҳамкорликнинг пухта сиёсий ва ҳуқуқий асосини яратдингиз. Бу галги давлат ташрифимиз стратегик шерикликка янги суръат бағишлашга қаратилган ва мен қўйилган мақсадларга эришишимизга ишонаман, – деди Сердар Бердимуҳамедов.

Учрашув чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Туркманистон ҳамкорлигининг истиқболларини муҳокама қилдилар, алоҳида эътиборни савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро савдони кўпайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт-транзит имкониятларидан фойдаланишга қаратдилар.

Томонлар ҳудудлараро ҳамкорликни йўлга қўйишда улкан салоҳият мавжудлигини қайд этдилар.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Марказий Осиёда қарор топган ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муҳитини мустаҳкамлаш муҳим экани таъкидланди.

Сердар Бердимуҳамедов Ўзбекистон Президентини ўзига қулай вақтда Туркманистонга жавоб ташрифи билан келишга таклиф этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг музокаралари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

– Туркманистон Президентининг давлат ташрифини халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари бузилмас, икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга интилиш бардавом эканлигининг ёрқин тасдиғи сифатида қабул қиламиз, – деди мамлакатимиз етакчиси.

Туркманистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг шубҳасиз устувор йўналиши экани қайд этилди.

– Ишончим комил, бугунги музокаралар кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутади, биродар мамлакатларимизнинг стратегик шериклигини янада мустаҳкамлайди ва сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқади, – деди Ўзбекистон Президенти.

Мамлакатларимиз савдодаги ижобий суръатни сақлаб қолиш ва унинг ҳажмини яқин йилларда икки баробар ошириш учун барча имкониятларга эга экани мамнуният билан қайд этилди.

Бунга Ўзбекистон – Туркманистон чегараолди савдо ҳудуди ва пойтахтларимизда савдо уйларини очиш бўйича қабул қилинган қарорлар хизмат қилади.

Томонлар кимё тармоғидаги алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини юксак баҳоладилар. Автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик ва фармацевтика, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигида кооперацияни кенгайтириш режалаштирилган.

Шу мақсадда ўрта муддатли Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури қабул қилинади. Бундан ташқари, энг истиқболли лойиҳаларни илгари суриш учун қўшма лойиҳа офиси ташкил этилади.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Ўтган йилда юк ташишлар ҳажми 17 фоизга ортиб, бу тенденция жорий йилда ҳам сақланиб қолмоқда. Томонлар минтақа мамлакатларининг ноёб транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, шу жумладан, юкларни ташиш учун ўзаро имтиёз ва чегирмалар беришдан манфаатдор эканликларини билдирдилар.

Давлат раҳбарлари сув-энергетика соҳасидаги ҳамкорликка тўхталар эканлар, Сув хўжалиги масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия муваффақиятли ишлаётганини таъкидладилар. Президентимиз бугун минтақа сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қиладиган тарихий аҳамиятга эга Амударё бўйича битим имзоланишини мамнуният билан қайд этди.

2

## Инсон қадри учун

**Сўнгги йилларда республикамиздаги барча соҳа ва тармоқлар ривожланишининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш мақсадида янги қонунлар, қарор ва фармонлар қабул қилиниб, амалда эскирган бир қатор норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.**

# КОНСТИТУЦИЯНИНГ ЯГОНА МАНБАИ ВА МУАЛЛИФИ — ХАЛҚ



**Қутбиддин БУРХОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси**

Бу борада, шу кунларда амалга оширилаётган Конституциявий ислоҳотлар ушбу ўзгартишлардаги локомотив янгиликлардан десак, муболаға бўлмайди.

Ҳозирда халқ муҳокамасида бўлган Бош қомусимизнинг янги таҳрирдаги лойиҳаси чинакам халқчил Конституция лойиҳаси бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда **"Конституциявий ислоҳотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлови асосида референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади"**, дея айтиб ўтди.

Ваҳоланки, мазкур Конституциявий ислоҳотларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ парламент ваколати доирасида ҳам амалга ошириш мумкин эди. Аммо давлат раҳбари Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи – халқ бўлиши лозим эканлигини таъкидлаб, ислоҳот референдум орқали амалга оширилиши юзасидан ўз таклифини билдирди.

Шунингдек, Президент Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда Ўзбекистон Президентининг иккита муҳим ваколатини Олий Мажлисга ўтказишни таклиф этди.

3

## Хушхабар

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ



Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро жараёнлардаги иштироки сезиларли даражада юксалди. Мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ўзгариш ва ислоҳотлар ташқи сиёсатимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон олдинги даврларга нисбатан анча фаол ва прагматик ташқи сиёсат олиб бормоқда. Бу сиёсат ўзининг прогрессив характери ва тинчликпарварлиги билан халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда.

Куни кеча БМТ Бош Ассамблеяси томонидан мамлакатимиз раҳбари ташаббуси асосида Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюциянинг қабул қилинганлиги, шубҳасиз, Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги навбатдаги муҳим воқеалардан биридир. Ушбу ҳолат Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

3

## Машҳурларнинг аёллари



# Буни умр дерлар, шодлик, қайғули...

Гоҳ радиода, гоҳо телевизорда бўлсин, Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов ижросидаги қўшиқ янграр экан, албатта, уни юз бор эшитсак ҳам илк бора тинглаётгандай жон қулоғимиз билан тинглаб, ҳофизнинг янгроқ ва тиниқ овози, ҳар бир нафасидаги нолага монанд тебрана бошлаймиз. Ундаги ажиб сеҳр қалбимизга етиб бориб, нафақат вужудимизда, балки жон томиримизда сел каби оқади, сўз ва соз сеҳрига маст бўламиз...

Фарғона вилояти Олтиариқ туманининг Янгиқўрғон қишлоғидаги ҳофиз яшаган уй олдида бизни хонадоннинг ўзи каби оддийгина, гул чеҳрасига айрилиқ, соғинч ва ҳаёт синовлари ўз изини қолдирган муштипаргина Қимматхон Тўхтасинова очиқ чеҳра билан кутиб олди.

Иболи, ҳаёли, камтар-камсуқум, қадоқ қўллари билан бошидаги рўмолини тўғрилаб, менга тик қарашга ҳам ботинмай ҳаё қилаётган, маъсум нигоҳларини қўлларига қадаган қаршимдаги аёлнинг 56 йиллик босиб ўтган умр йўли ҳам унинг ўзбек аёлига хос нафосату назокатини ўғирлай олмаганидан ҳайратим ошади. Негадир ўз-ўзимдан уялиб кетаман, шу оддийгина, аммо барча гўзал хислатларни ўтириш-туришида, кийинишида, нигоҳларида, қўйингки, жисму жонидаю, муомаласига жо қила олган аёлга таҳсин айтгим келади.

6

## Ўзбекистон – Туркманистон:

# ДАВЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ — БОШ ВАЗИФА

1 Шунингдек, Ўзбекистон энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, Туркманистондан электр энергияси, газ ва нефть маҳсулотларини харид қилишдан манфаатдор.

Туркманистон томони товар айирбошлашни диверсификация қилиш ва ошириш, саноат кооперациясини ривожлантиришдан манфаатдорлигини билдирди.

– Мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга муайян тармоқлар орасида биз агросаноат мажмуи, энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтикани қайд этмоқчимиз. Бизнес доиралари ўртасидаги шерикликни кенгайтириш учун жиддий имкониятлар бор. Кейинги йилларда чегарадош ҳудудлар ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтириш ниятидамиз, – деди Туркманистон Президенти.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари икки мамлакат ҳукуматларига эришилган келишувларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш ва уларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар ой ахборот бериб боришни топширдилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимуҳамедов Қўшма баёнот имзоладилар. Унда эришилган асосий келишувлар мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли вазифалар белгиланган.

Давлат раҳбарлари ҳузурида икки мамлакат вазирлик ва идоралари раҳбарлари томонидан битимлар имзоланди. Жами 19 та ҳужжатга имзо чекилди, шулар жумласидан:

– Транспорт-транзит соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битим;

– Туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Амударё сув ресурсларини бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисида битим;

– Ташаббусли илмий-тадқиқот лойиҳаларининг қўшма танловини ўтказиш тўғрисида битим;

– 2022-2025 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури;

– 2022-2024 йилларга мўлжалланган илмий-техник ҳамкорлик тўғрисида дастур;

– 2023-2024 йилларга мўлжалланган ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури;

– Ўзбекистон – Туркманистон чегараолди савдо зонаси – Савдо марказини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги Ҳукуматлараро битим қоидаларининг амалий ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси.

Шунингдек, кимё тармоғи, божхона, темир йўллар, музейлар, адлия, ёшларга доир сиёсат, телерадиоэшиттириш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик юзасидан қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишларида амалий шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов бўлиб ўтган музокаралар тўғрисидаги фикрлари билан бўлишдилар.

Ўзбекистон етакчиси Туркманистон Президентининг ташрифи халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган биродарлик ришталари тарихида янги саҳифа очишга қаратилганини таъкидлади.

– Бугун биз Сердар Гурбангулиевич билан мазмунли, очиқ ва батафсил музокаралар ўтказдик, улар, шубҳасиз, ҳамкорлигимизни янги, янада юқори даражага олиб чиқади, – деди Президентимиз. – Биз икки томонлама кун тартибидаги барча долзарб масалаларни батафсил муҳокама қилдик. Ҳамкорликнинг бугунги ҳолати юзасидан фикр алмашдик, бу борада катта ютуққа эришилганини қайд этдик. Сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, сув-энергетика ва гуманитар йўналишларда биргаликдаги ишимизнинг устувор жиҳатларини белгилаб олдик.

Қатор истиқболли йўналишлар бўйича, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, товар айирбошлашни кўпайтириш, чегараолди савдо зонасини ташкил этиш, қўшма лойиҳа офисини очиш юзасидан қабул қилинган қарорлар музокараларнинг муҳим натижаси бўлди.

Автомобилсозлик, кимё, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Шу мақсадда ўрта муддатли Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Ҳудудлар ўртасида тизимли мулоқотни ривожлантириш ҳам Ўзбекистон – Туркманистон шериклигига янги суръат бағишлайди. Куни кеча Бухорода муваффақиятли ўтказилган биринчи Ҳудудлар форуми ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият мавжудлигини яққол кўрсатди. Унинг якунида умумий қиймати 450 миллион доллардан зиёд бўлган аниқ шартнома ва келишувлар имзоланди.

Парламентлар – Олий Мажлис ва Миллий Кенгаш ўртасидаги ҳамкорлик самарали кечаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ҳар доимгидек, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари музокаралар диққат марказида бўлди. Илмий ва академик алмашинувларни ривожлантириш, инновациялар соҳасидаги дастурларни қўллаб-қувватлаш юзасидан келишувга эришилди.

Бундан буён ҳам Ўзбекистон ва Туркманистон маданияти ва кино кунларини ўтказиб бориш, туризм соҳасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суришга қарор қилинди.

Музокараларда минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг муҳим аҳамияти қайд этилди.

– Марказий Осиёда минтақавий жараёнлар ва кўп томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши минтақадаги барча мамлакатларнинг тараққиёти ва равнақига хизмат қилишига қатъий ишонаман, – деди Ўзбекистон Президенти.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Давлат раҳбарлари ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши мақсадида бундан буён ҳам биргаликда ҳаракат қилишга тайёрлигини билдирдилар.

БМТ, МДҲ, ИҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида фаол мулоқотлар ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Туркманистон томонига Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда кўрсатган фаол кўмаги учун миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари туркманистонлик ҳамкасбини Самарқандда ўтказиладиган ШҲТнинг навбатдаги саммитида фахрий меҳмон сифатида иштирок этишга таклиф этди.

– Кўп қиррали Туркманистон – Ўзбекистон муносабатлари бугун жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон бизнинг муҳим сиёсий ҳамкоримиздир. Бугун савдо-иқтисодий шериклик масалалари батафсил муҳокама қилинди, уни кенгайтириш ва диверсификация қилишга иккала томон ҳам тайёр экани тасдиқланди, – деди Сердар Бердимуҳамедов.

Якунда давлат раҳбарлари кенг кўламли стратегик шерикликни ривожлантириш ва кенгайтириш, уни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш, биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз тараққиёти ва равнақи йўлида аниқ ва самарали натижаларга эришишга қатъий интилишларини таъкидладилар.

Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов мамлакатимизга давлат ташрифининг биринчи куни якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида Кўксарой қароргоҳининг Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экди.

Ушбу эзгу анъана яқин йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шерикликни кенгайтириш учун пойдевор бўладиган олий даражадаги музокараларнинг сермаҳсул натижаларини мустаҳкамлайди.

Туркманистон раҳбари томонидан экилган дарахт халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари бузилмас эканининг рамзларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

## Жамоатчилик муҳокамаси

# ТАКЛИФЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛМОҚДА



**“Адолат” СДПнинг Наманган вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашлари жойларда Конституциявий ислоҳотларнинг аҳамияти, мамлакатимизнинг узоқ муддатли Тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши ҳақида тегишли тушунтириш бериш, фуқароларнинг таклиф ва мулоҳазаларини шакллантириш мақсадида тадбирлар ўтказишни давом эттирмоқда. Бунда семинар, учрашув, давра суҳбати каби таъсирчан ва самарали шакллардан фойдаланилмоқда. Уларда мавзу юзасидан аниқ ва батафсил маълумотлар тақдим этилиб, фуқаролар муҳокамага жалб қилинмоқда. Шунингдек, одамларнинг мушоҳада ва мулоҳазалари диққат билан тингланмоқда.**

Бу борада Мингбулоқ туман партия ташкилоти ҳам изчил иш олиб бормоқда. Фаоллар ёрдами жуда қўл келмоқда. Масалан, “Бозорбоши” маҳалласида ўтказилган давра суҳбатини олайлик. Унда туман партия кенгашининг раиси Раънохон Умарова мамлакатимизда кечаётган муҳим сиёсий жараён ҳақида атрофлича ахборот берди.

Халқ депутатлари туман Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзоси Б.Боқижонов иштирокчилар эътиборини бир қатор муҳим йўналишларга қаратди. У ўз сўзида Конституциявий ислоҳотлар – халқпарвар давлат барпо этишнинг муҳим шарти эканлигини асослаб берди. Конституцияга киритилаётган қўшимчалар, қонун лойиҳасида назарда тутилган ҳар бир масала хусусида тўхталиб, тушунчалар берди.

– *Лойиҳада диққатга сазовор жойлар жуда кўп,* – деди депутат. – *Хусусан, ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари раисларининг алоҳида шахслар бўлиши кераклиги тўғрисида қоида қўшимча сифатида киритилмоқда. Бу ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни бошқаришни такомиллаштиришга, кадрлар масъулиятини оширишга хизмат қилиши лозим.*

Мингбулоқлик “адолатчилар" Конституциявий қонун лойиҳасига бағишланган тадбирларни давом эттирмоқдалар.

**Мамлакатимиз Асосий қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси Наманган вилоятида кенг муҳокама қилинмоқда. Мазкур жараён фуқароларнинг юрт келажагига дахлдорлик ҳисси билан яшаётганликларидан далолат беради. Чунки Конституциявий ислоҳотлар қизғин қўллаб-қувватланмоқда, кўплаб таклиф ва мулоҳазалар баён этилмоқда.**

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида “Конституциявий ислоҳотлар инсон қадрини янада юксалтиришга хизмат қилади” шиори остида туркум семинарлар ташкил этилди. Тадбирларда бугунги кунда иқтисодий тараққиёт, тадбиркорлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш жабҳасида ташаббус кўрсатаётган ҳоким ёрдамчилари иштирок этдилар. Семинарлар вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Иштирокчилар эътиборига “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, назарда тутилган қўшимча ва ўзгартишлар, жорий этилаётган янги нормаларга оид маъруза ва ахборотлар ҳавола қилинди. Ҳоким ёрдамчиларида Конституциявий ислоҳотларда аҳоли томонидан билдирилган таклифларнинг таҳлили катта қизиқиш уйғотди. Улар ўз навбатида бу каби кенг кўламли ўзгаришларга бефарқ эмасликларини, ислоҳотларнинг фаол қатнашчиси бўлишга интилаётганликларини айтишди.

– *Давлат тадбиркорлик учун қулай инвестицион муҳит яратиши Конституцияда белгилиб қўйилмоқда*, – дейди Поп тумани “Қандигон” маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси, “Адолат” СДП фаоли Зафаржон Ҳасанов. – *Бу юртдошларимиз орасида ишбилармонларнинг янада кўпайишига кўмаклашади. Натижада камбағалликни қисқартириш, турмуш фаровонлигини оширишнинг янги имкониятлари юзага келади. Биз ҳозир айни шу масала устида иш олиб бормоқдамиз.*

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Таваккал Чориев ҳамда Пешку туман котибият мудири Ғайрат Ҳамидов Пешку тумани Тиббиёт бирлашмаси ходимлари иштирокида Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тарғибот учрашуви ўтказди.**

Учрашувда депутат Т.Чориев сўзга чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотлар берди. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмуни ҳаётий мисоллар билан тушунтирилди.

Конституциявий қонун лойиҳаси фуқаролар томонидан катта қизиқиш билан тингланиб, билдирилган таклифлар муҳокама этилди.

* * *

**“Адолат” СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати М.Ҳамидов ҳамда партиянинг Вобкент туман кенгаши раиси М.Рўзиева томонидан Вобкент туманидаги “Узбакон” МФЙ фуқаролари иштирокида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасига фуқароларнинг таклифлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини ўрганишга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

Тадбирда М.Ҳамидов томонидан иштирокчиларга “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасидаги боб ва моддаларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида батафсил тушунтириш бериб ўтилди. Ушбу киритилиши кутилаётган ўзгартиш, қўшимча ва янги нормалар ҳисобига Конституция “инсон – жамият – давлат” тамойилига асосланиши алоҳида таъкидланди. Шунингдек, фуқаролар томонидан Конституцияга киритилиши лозим деб ҳисобланган таклифлар айтилиб, муҳокама этилди. Тадбир қизғин муҳокамаларга, таклифларга ва мунозараларга бой бўлди.

**Бухоро вилоят кенгаши**
**матбуот хизмати**



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Қурбонбоевнинг хонқалик ва янгиариқлик сайловчилари билан очиқ мулоқотлари қизғин давом этмоқда.**

Хусусан, депутатнинг Хонқа туман “Обод” маҳаллада жойлашган 52-сон умумий ўрта таълим мактабида Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказган давра суҳбати иштирокчиларнинг фаоллигида қизғин кечди.

Тадбирга “Обод” маҳалла фаоллари, фуқаролари, мазкур мактабнинг ўқитувчилари иштирок этишди.

Депутат М.Қурбонбоев иштирокчиларга қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти юзасидан атрофлича тушунчалар берди. Иштирокчилар мавзу юзасидан қизиққан саволларига батафсил жавоблар олишди.

Депутатнинг янгиариқлик сайловчилар билан ҳам қатор учрашувлари бўлиб ўтди. Жумладан, "Собурзон" маҳалла фукаролар йиғинида жойлашган 16-сон умумий ўрта таълим мактабида ҳамда туман Тиббиёт бирлашмасида "Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқдир” шиори остида ўтказилган учрашувда фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олдилар.

Шунингдек, "Гулобод" қишлоғидаги “Аччиққуйи” маҳалласида жойлашган 13-сон мактабда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий



қонун лойиҳасига фуқароларнинг таклифларини ўрганишга қаратилган тадбир ташкил этилди.

М.Қурбанбаев томонидан "Гулобод" маҳалла аҳолисига Конституциянинг айрим бобларига киритилаётган ўзгартишлар, жумладан, фуқароларнинг эҳтиёжманд қатламини ҳимоя қилиш, ўлим жазосини тақиқлаш, ногиронларни ҳимоя қилиш, ўқитувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва бошқа йўналишлар бўйича атрофлича тушунчалар бериб ўтилди.

Туманларда депутат иштирокидаги тарғибот тадбирлари давом этмоқда.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**
**Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби**

**Шу кунларда Эрон Ислом Республикаси парламенти – Исломий Кенгаш Мажлиси раиси Муҳаммад Багир Қолибоф бошчилигидаги расмий делегация мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Бу Эрон парламенти раисининг мамлакатимизга илк ташрифи ҳисобланади.**

**Мухбиримиз ана шу ташриф натижалари ҳақида сўзлаб бериш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари Қодир ЖЎРАЕВ билан суҳбатлашди.**



# ЭРОН МАМЛАКАТИМИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШДАН МАНФААТДОР

***– Эрон Ислом Республикаси мамлакатимиз ташқи сиёсатида қандай ўрин тутади? Умуман, Ўзбекистон – Эрон муносабатлари тўғрисида нималарни айтиш мумкин?***

– Аҳолиси 80 миллион кишидан ортиқ бўлган Эрон давлати жуда қулай жуғрофий ҳудудда жойлашган бўлиб, денгизларга чиқиш имкониятларини қидираётган мамлакатимиз учун транзит давлат сифатида, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Икки томонлама муносабатларнинг изчил ривожланишида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Иброҳим Раисийнинг муносиб ҳиссаси бор. Давлатларимиз раҳбарлари 2021 йил сентябрь ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва ноябрь ойида Ашхобод шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитлари доирасида бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотларда икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Бу эса икки томонлама савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, транспорт-логистика, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларимизнинг янада ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда икки мамлакат турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Эронни ўзининг Ўрта Шарқ минтақасидаги йирик савдо шериги деб ҳисоблайди. Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик кўрсаткичлари ўсаётгани кузатилмоқда. 2021 йилда ўзаро савдо айланмаси 430,8 млн. АҚШ доллари (экспорт - 176,5 млн. АҚШ доллари, импорт - 254,2 млн. АҚШ долларини) ташкил этди.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 40 фоизга, қўшма корхона ва лойиҳалар сони 360 тадан ошди.

Шу йилнинг февраль ойида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ҳамда икки мамлакат ишбилармон доиралари ва етакчи корхоналари вакиллари иштирокида бизнес форум муваффақиятли ўтказилди. Келгуси ойларда икки томонлама қатор муҳим тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

– ***Эрон парламенти делегациясининг ташрифидан кутилаётган натижалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.***

– Эрон парламенти раиси Муҳаммад Багир Қолибофнинг ташрифи давомида икки мамлакат муносабатларига оид турли масалалар кўриб чиқилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан бўлган учрашувда Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни юқори суръатда давом эттириш ва устувор йўналишларда кенгайтиришга хизмат қилаётган фаол мулоқотлар ва сермаҳсул алмашинувларни мамнуният билан қайд этди.

Исломий Кенгаш Мажлиси раиси Ўзбекистон етакчисига Эрон Президенти Иброҳим Раисийнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказиб, Эрон томони дўст давлатларимиз ўртасидаги кенг кўламли муносабатларни мустаҳкамлаш ва амалий мазмун билан бойитиш борасида қатъий эканини таъкидлади. Музокараларда ўзаро савдо ҳажмининг ошиши учун қулай шароитларни шакллантириш, транспорт ва логистика соҳасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суриш, илмий-техник алмашинув дастурларини амалга ошириш, ҳудудлар ва тадбиркорлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ушбу мамлакатда узоқ муддатли тинчликка эришиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши йўлидаги кўмакни кенгайтириш муҳим экани қайд этилди.

– ***Икки томонлама муносабатларда парламентлар қандай ўринга эга? Умуман, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришда парламентларнинг олдида турган вазифалар нималардан иборат?***

– Эрон парламенти делегациясининг ташрифи давомида ушбу масала, яъни икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда парламентларнинг иштироки механизмларини кучайтириш масалалари ҳам кун тартибида бўлди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери Н.Исмоилов билан бўлиб ўтган учрашувда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, транспорт-логистика, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари кенг муҳокама қилинар экан, бу жараёнда икки мамлакат парламентларининг ҳам фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Зеро, минтақамиздаги тарихи, дини, урф-одати ва анъаналари яқин бўлган давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорликнинг ўрни беқиёс. Хусусан, Ўзбекистон ва Эрон парламентларида фаолият олиб бораётган дўстлик гуруҳлари ишини жонлантиришга келишиб олинди.

– ***Истиқболда Ўзбекистон ва Эрон ўртасида яна қандай йўналишларда ҳамкорлик қилиш мумкин, деб ўйлайсиз?***

– Музокаралар давомида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар ҳали мавжуд салоҳият даражасидан анча пастлиги бир неча бор қайд этилди. Тўғри, юқорида таъкидлаганимиздек, кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бирмунча ўсди. Бироқ бу кўрсаткични ҳали бир неча бараварга ошириш учун талайгина ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Энг аввало, давлатларимизнинг географик жиҳатдан яқинлигини эътиборга олган ҳолда, транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, хусусан, халқаро автомобиль ташувлари учун янада қулай шароитлар яратиш лозим.

Ўзаро ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши борки, у ҳам бўлса маданий меросни асраш ва тарихий обидаларни таъмирлаш соҳасидир. Таъкидлаш жоизки, Эрон бу борада анча катта тажрибага эга бўлиб, икки мамлакат мутасадди ташкилот ва идоралари ўртасида узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш, шубҳасиз, ижобий самаралар беради. Юртимизга ташрифи давомида Эрон парламенти делегацияси аъзолари Тошкентнинг қоқ марказида бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази биноси билан танишиш асносида марказда меҳнат қилаётган ўзбек усталари, меъморлари ва ҳунармандлари ишига юқори баҳо бердилар ва ҳунармандчилик соҳасида ҳам ҳар икки мамлакат ўртасида қатор истиқболли лойиҳаларни йўлга қўйиш мумкинлиги тўғрисида ижобий фикр билдирдилар.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам янада самарали ҳамкорлик қилиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ҳозир икки мамлакат халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида анча яқин алоқаларга эга бўлиб, турли дастур ва лойиҳаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, мамлакатимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га тўлақонли аъзо бўлишга даъвогарлик қилаётган Эроннинг номзодини қўллаб-қувватламоқда. Жорий йилнинг кузида Самарқандда бўлиб ўтадиган ШҲТнинг навбатдаги саммитида Эронни аъзоликка қабул қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилиши кутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Эрон билан турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш мамлакатимизнинг миллий манфаатларига тўлиқ мос келади.

**Ўз мухбиримиз**

# КОНСТИТУЦИЯНИНГ ЯГОНА МАНБАИ ВА МУАЛЛИФИ — ХАЛҚ

1

Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори ҳамда Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда озод этиш ваколатини Сенатга ўтказиш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, шахсан ўзим ҳам Конституциявий комиссия раиси ўринбосари сифатида Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартиришлар чинакам инсон қадри учун, мамлакат тараққиёти йўлида амалга оширилаётганини қайд этиб ўтмоқчиман.

Бунга Конституция лойиҳасига ўлим жазосини тақиқловчи норма киритилганини мисол сифатида келтириш мумкин. Чунки тарихдан маълумки, яшаш ҳуқуқи – ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқидир.

Шу билан бирга, Конституция лойиҳасида шахсий мулк дахлсизлиги ҳамда гумонланувчининг айби 48 соатда тасдиқланмаса уни шу заҳоти қўйиб юбориш кераклигини ўзида акс эттирувчи нормалар киритилгани фикримизга қўшимча мисол бўла олади.

Айтиш жоизки, инсон қадри улуғланган янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси шунчаки даб-дурустдан шакллангани йўқ. Унинг халқчил бўлишини таъминлашда кўплаб профессор-олимлар, фаол фуқаролар, жамоатчилик ва ОАВ вакиллари, блогерлар, давлат хизматчилари иштирок этди.

Ҳозирги кунда муҳокамалар қизғин давом этмоқда. Кўплаб фаоллар лойиҳага нисбатан ўзларининг муносабатини билдирмоқда. Бу, албатта, барчамизда қувонч ҳиссини уйғотади. Нега деганда, республикамизда бўлаётган ўзгаришларга фуқароларимиз, кенг жамоатчилик вакиллари бефарқ эмас. Аҳоли вакилларининг дунёқараши ўзгариб, ҳуқуқий маданияти юксалмоқда. Бунга конституциявий ислоҳотлар жараёнида ҳам гувоҳ бўлдик.

Аммо юртимиз ривожи, халқ фаровонлигини, демократик ислоҳотлар ва эркинликларни кўра олмаган бир қатор шахслар конституциявий ислоҳотларни нотўғри талқин қилган ҳолда Қорақалпоғистонда беқарорликларни юзага келтирмоқчи бўлди.

Ўзларининг сепаратистик ғояларини айрим ёшлар онгига сингдириб, ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан амалдаги конституциявий тузумга қарши намойишлар қилиш орқали неча асрлик дўст-биродар, қардош бўлган икки миллатни бир-биридан айирмоқчи бўлди.

Уларнинг асл мақсад ва муддаосини англаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрига етиб бориб, халқ вакиллари билан учрашди.

Учрашув давомида Президентимиз норозилик кайфиятига сабаб бўлган омилларни бартараф этиш юзасидан қабул қилган тезкор ва оқилона қарор туфайли юз бериши мумкин бўлган кўплаб кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўзини “инсон ҳуқуқлари” ҳимоячиси сифатида намоён этиб, неча асрлик қардош, бир Ватаннинг фарзанди бўлган икки миллатни бир-биридан айирмоқчи бўлган экстремистик руҳдаги шахс Қорақалпоғистонни мустақил қилиб, ўзини давлат раҳбар сифатида тайинлашга даъват қилган.

Натижада 2 июль куни Нукус туманидан бир гуруҳ экстремистик руҳдаги шахслар Нукус шаҳри томон ҳаракатланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг қонуний талабларга бўйсунмасдан блокпостда хизмат олиб бораётган миллий гвардия ходимларига ҳужум қилган.

Ҳозирги вақтда қўлга олинган шахсларга нисбатан конституциявий тузумга тажовуз қилиш бўйича жиноят иши қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бу каби шахслар ва уларга йўл-йўриқ бераётган ташқи кучлар қорақалпоқ қардошимизга дўст эмас. Агар дўст бўлганида барқарор ҳаётни аксига айлантиришга ҳаракат қилармиди?!

Айни вақтда Қорақалпоғистонда ҳаёт барқарор ҳолатга қайтган ва фуқаролар аввалгидек фаровон турмуш кечирмоқда. Конституциявий ислоҳотлар эса бир маромда халқ фикр ва ташаббуслари инобатга олинган ҳолда давом эттирилмоқда.

Ўз навбатида, давлат раҳбарининг сўзларини қайд этган ҳолда шуни айта оламанки, Конституцияга киритиладиган барча тузатишлар мамлакатимизнинг 14 та ҳудудий бирлигидан иборат ягона давлатни, миллат ва элатидан қатъи назар, қудратли Ўзбекистон халқини янада жипслаштиради ҳамда улуғвор мақсадлар сари сафарбар этади.

# АСОСИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

## ўзаро бирдамлик ва ҳамжиҳатлик намунаси



**Гулруҳ АГЗАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги**
**“Адолат” СДП фракцияси аъзоси**

**Парламент қуйи палатасининг деярли барча депутатлари ўзлари сайланган сайлов округларидаги умумхалқ муҳокамаларида, маҳаллалардаги учрашувларда, ёшлар билан давра суҳбатларида, кайвони нуронийлар билан самимий мулоқотларда иштирок этиб қайтишди.**

Айтиш керакки, аҳолидан олинган таклифлар асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси яна халқнинг муҳокамасига топширилгани сайловчиларимизни беҳад қувонтирди. Бинобарин, Конституциявий қонун лойиҳасини жамоатчилигимиз билан кенг муҳокама қилиш Бош қомусимизнинг пишиқ-пухта, тўғридан-тўғри ишлайдиган, янада халқчил, том маънода халқимиз хоҳиш-иродасини ифодалайдиган ҳақиқий халқ Конституцияси бўлишига хизмат қилади.

Шу сабабли Конституциявий қонун лойиҳасидаги нормаларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш мақсадида 70 дан ортиқ хорижий давлат конституцияси, 40 га яқин халқаро ҳужжат ўрганилди.

Бош қомусимизнинг 20-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган қоидаларга ҳамоҳангдир. Бундан ташқари, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини муайян шароитларда чеклаш мумкинлиги тўғрисидаги нормалар барча инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда ўз аксини топган.

Масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасида қуйидагилар белгиланган: “(3) *Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди. Бу тарзда фойдаланиш айрим чеклашлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва қуйидагилар учун зарур бўлиши лозим:*

*а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун;*

*б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун*”.

Шу каби қоидалар минтақавий ҳужжатда, масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 10(2)-моддасида ҳам ўз аксини топган. Ўхшаш нормалар барча демократик давлатларнинг конституцияларида белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида ҳам инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида соҳада демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттириш талаб этилиши белгиланган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг биринчи устувор йўналиши ҳам бежизга *“Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш”* деб номланмаган. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясидаги барча 100 та мақсад ҳам инсон қадрини юксалтириш ғояси асосида ишлаб чиқилган.

Киритилаётган қўшимчалар орқали давлат демократия ва инсон ҳуқуқларининг умумэътироф этилган ғоялари ва қадриятларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқлигини яна бир бор таъкидлайди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилигимиз янада такомиллашади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш борасида қўшимча конституциявий-ҳуқуқий кафолатлар белгиланади.

Ўзбекистон халқи кечаги халқ эмас. Бугун ҳар биримизнинг олдимизда аниқ мақсад ва режалар бор. Асосийси, уларни амалга оширишимиз учун ҳам ҳуқуқий асос, кучли ирода ва кафолатланган ишонч бор. Қадрини билган ҳар бир инсон ўзгармоқда, тиришқоқлиги билан жамиятни, дахлдорлиги билан давлатни, масъуллиги билан Конституцияни ўзгартирмоқда.

Олдимизда ўта муҳим ва тарихий танлов турибди. У ҳам бўлса шу юрт фарзанди, шу халққа мансуб эканлигим, қадрим, шаъним, эркинликларим ва қонуний манфаатларим ҳимояси ва кафолати мужассам бўлган ўзимнинг Конституциямни якдиллик билан танлашимдир.

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

1

Мазкур резолюция 2021 йилда Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференция доирасида Президентимиз илгари сурган таклифлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, 40 та давлат унга ҳаммуаллифлик қилдилар. Резолюциянинг БМТ аъзолари томонидан якдиллик билан қабул қилинганлиги икки минтақани ўзаро боғлаш масаласида аъзо давлатлар ўртасида ўзига хос консенсус мавжудлигидан далолат беради.

Қабул қилинган резолюцияда иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақаларининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қаратилган халқаро ҳамжамиятнинг умумий саъй-ҳаракатлари алоҳида эътироф этилган.

Ҳужжатда Вена декларацияси ва унинг 2014-2024 йилларга мўлжалланган денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар учун ҳаракат дастурини амалга ошириш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хусусан, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳамда уларнинг транспорт, транзит ва сармоявий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун транспорт ва транзит йўлакларининг муҳим аҳамияти алоҳида таъкидланган.

Резолюцияда Афғонистоннинг Марказий Осиё ва Жанубий Осиё ўртасидаги алоқаларни ўрнатишдаги роли ҳам алоҳида эътироф этилган бўлиб, улкан ҳудудда мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун ушбу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва минтақалараро иқтисодий жараёнларга интеграциялашуви муҳимлиги қайд этилган.

Резолюцияда ҳар икки минтақа учун бир қатор долзарб ташаббуслар ўз аксини топган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиздир. Хусусан, транспорт ва ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини кенгайтириш, денгиз портларига арзон ва хавфсиз йўл очувчи янги халқаро транспорт йўлакларини барпо этиш орқали Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш тавсия этилган бўлиб, бу эса икки минтақа халқларининг асрий орзу-умидлари ва интилишларига ҳамоҳангдир.

Резолюцияда, шунингдек, ҳар икки минтақанинг моддий ва номоддий маданий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш, туризмни ривожлантириш, халқ дипломатиясининг муҳим омиллари бўлган фан-техника соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, резолюцияда Марказий Осиё ва Жанубий Осиё мамлакатлари 2030 йилга мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, шунингдек, «яшил» энергетика соҳасида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлиги қайд этилган.

Шубҳасиз, БМТ Бош Ассамблеясининг мазкур резолюцияси халқаро ҳуқуқий асос сифатида икки минтақа алоқаларида янги босқични бошлаб беради. Резолюция ҳар икки минтақа мамлакатларининг ўзаро манфаатли савдо алоқалари, илмий ва маданий алмашинувларни ривожлантириш бўйича минг йиллик анъаналарни қайта тиклашга хизмат қилади. Зеро, ўтмишда Марказий Осиё ва Жанубий Осиё ўртасида минтақалараро борди-келди алоқалари инсоният тарихидаги энг буюк цивилизацияларни барпо этишга имкон берган эди.

Инновацион технологиялар



# РАҚАМЛАШТИРИШ – ижро интизомини таъминлашнинг муҳим воситаси

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларни тўлиқ рақамлаштириш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги фармони билан "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегияси тасдиқланган. Стратегия асосида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан, электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши ҳамда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 11 апрелда ПҚ–2881-сонли алоҳида қарор қабул қилиниб, айни йўналишда янгича ёндашувлар белгилаб берилди. Шунингдек, мазкур қарор асосида ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августда «Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинган.

Шунингдек, 2016 – 2021 йилларда тасдиқланган тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурларида белгиланган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида жорий йил 10 февралда давлатимиз раҳбари томонидан «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон имзоланди. Ушбу фармонга мувофиқ қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида ижро этилиши бўйича «ijro.gov.uz» тизимида назорат олиб борилиши белгилаб берилган.

Тошкент давлат юридик университетида ҳам Адлия вазирлиги тизимидаги бошқа муассасалар қатори ушбу жараён барча фаолият йўналишларини тўлиқ рақамлаштириш мақсадидаги ҳаракатлар барвақт бошланганлигини эътироф этиш лозим. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда университетда қарийб 30 та ахборот ва ҳужжат алмашинув тизимлари фаолият юритиб келмоқда. Биргина электрон университет лойиҳаси доирасида эса 20 га яқин электрон тизим ишламоқда. Университет ректорининг тегишли буйруқлари орқали университетда электрон ҳужжат алмашинувига тўлиқ ўтилиб, иш ҳужжатлари таркибий бўлинмаларда юритиладиган номенклатура йиғма-жилдларини сақлаш ва ҳаттоки электрон архив хам ишга туширилди.

Ҳужжат алмашинувини рақамлаштириш орқали университетда 2022 йил 1-чорагида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 187,5 кг (37 500 дона варақ) оқ қоғоз ёки 3 900 000 сўм тежалган. Йил охирига қадар эса, 800 кгдан ортиқ оқ қоғоз ёки 41 600 000 сўмдан зиёд молиявий маблағлар тежалиши кўзда тутилган. Ходимларнинг электрон тизим орқали чегириб қолган вақт сарфи ва иш унумдорлиги эса бебаҳо ҳисобланади. Бу каби ислоҳотлар университет фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини ҳамда ходимларининг жавобгарлиги ва ижро интизомини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Аммо ўрганишлар амалиётда бир қанча камчиликлар ҳам мавжуд эканлигини кўрсатди ва улар қуйидагилардир:

*электрон ҳужжат алмашинув тизимлари хизматларини таклиф этаётган бозорда рақобатнинг деярли йўқлиги;*

*ижрочиларнинг электрон ҳужжат алмашинув тизимларига кириш калитлари қимматлиги (ҳозирги кунда 1 дона калит 42.000 сўмни ташкил қилади);*

*барча ходимлар бирдек электрон тизимларда ишлай олмаслиги;*

*интернет хизматлари республиканинг барча минтақаларида бирдек ишламаслиги;*

*давлат ташкилотлари турли электрон ҳужжат алмашинув тизимларида ишлаши.*

Бугун барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва уларни ривожлантириш учун янгича йўналиш ва самарали тизимлар, замонавий бошқарув усулларини амалиётга жорий этиш, мураккаб шароитларда давлат қурилишининг серқирра вазифаларини амалга оширишда тезкорлик, ташаббускорлик билан ёндашишга катта эътибор қаратилмоқда. Ижро интизоми билан ўз иш фаолиятини юрита олган ҳар бир давлат органи белгиланган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида самарали тарзда амалга ошира олади. Бугунги кунда давлат органларига келиб тушаётган ҳар бир ҳужжатни рўйхатга олишдан тортиб, унинг ижро муддатини белгилашгача масъулият билан ёндашишда ижро интизоми муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида ҳар бир ҳужжатнинг вақтида ижро этилишини таъминлайди.

Юқоридаги камчиликларни бартараф, этиш, соҳани тўлиқ рақамлаштириш орқали такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни амалиётга татбиқ этиш керак деб ҳисоблаймиз:

*- барча давлат ташкилотларида ягона интеграциялаштирилган иш юритиш тизимини жорий қилиш;*

*- ҳужжатларни электрон сақлаш масаласи (электрон архив) бўйича республикада ягона тизимни яратиш;*

*- ташкилотларда барча ходимларга электрон тизимларга кириш имконини яратиш;*

*- электрон ҳужжат алмашинув тизимлари хизматларини таклиф қилаётган корхоналар ўртасида рақобат муҳитини яратиш орқали ташкилотларга ҳамёнбоп хизматлар таклиф қилиш;*

*- рақамлаштириш орқали ижро интизомини ташкил қилиб, ютуқларга эришган муассасалар ёрдамида конференция, семинар-тренинг, ўқитиш курслари ташкил этиш орқали соҳани такомиллаштириш;*

*- давлат ташкилотларида девонхонада иш юритиш тизимини малака ошириш курслари ташкил этиш орқали такомиллаштириш ва доимий фаол ишлаб келаётган илғор иш юритувчи ходимларни рағбатлантириш.*

*Хулоса қилиб айтганда, ижро интизомини доимий такомиллаштириб бориш, соҳага замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда янгиликларни жалб қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада мавжуд иш ҳужжатларини рақамлаштириш, ҳужжат алмашинувини амалга оширишда ягона интеграциялашувни ташкил қилиш ҳамда соҳада фаолият юритадиган кадрлар малакасини ошириш мақсадга мувофиқдир.*

**Хуршиджон АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент давлат юридик университети**
**Мониторинг ва ташкилий назорат бошқармаси**
**девонхона мудири**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти хабарлари

## Собиқ мураббий ушланди



Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Навбаҳор туман бўлими томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда "Ватанпарвар" ташкилоти Навбаҳор туман ўқув спорт техника клуби собиқ мураббийи Т.Қ. фуқаро Ж.га автомактабдаги ўқув гуруҳига уни навбатсиз киритиш ва ҳайдовчилик гувоҳномасига "D" ва "E" тоифасини қўшиш эвазига 3,3 млн. сўм ва 200 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

## Фирибгарлар қўлга тушди



Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Зомин туман бўлими томонидан вилоят ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Л.К. бошқа бир фуқаро Ф.ни Жиззах политехника институтига ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, эвазига 2 000 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Шу каби Олтинкўл туманида ўтказилган тезкор тадбирда муқаддам фирибгарлик жинояти учун судланган фуқаро Ж.Х. ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, фуқаро Д.ни Қирғизистон Республикасидаги олий ўқув юртига ўқишга киритиб, кейинчалик танишлари орқали ўқишини Ўзбекистондаги олий ўқув юртига кўчириб бериши эвазига 800 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга тушди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

## 200 000 доллар... "буюрмади"




Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Чилонзор туман бўлими томонидан Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Ж.У. Зангиота туманидаги "Илғор" МФЙ ҳудудида давлат захирасида бўлган 0,5 гектар суғориладиган ер майдонини 200 000 АҚШ долларига сотишини айтиб, тегишли ҳужжатларни туман ер кадастр бўлимида ишловчи танишлари орқали ҳал қилиб бериши эвазига олдиндан 40 000 АҚШ долларини фуқаро Х.дан олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) ва 28, 211-моддаси (пора бериш) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

## Тўрт миллиардни "туя" қилмоқчи бўлди

Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Яккасарой туман бўлими томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган терговга қадар текширувда "D." МЧЖга қарашли дорихона бошқарувчиси Т.К. ўзига ишониб топширилган МЧЖга тегишли жами 4 млрд сўмлик дори воситалари ва тиббиёт буюмларини талон-торож қилганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Жиноятга жазо муқаррар

... Сўнгги йилларда автоуловлар бозори сердаромад масканга айланганини кўпчилик яхши билади. Машина бозорининг кунда-шундалари ҳам бор. Ўзгаларни алдаш-авраш, чув тушириш, ишонтиришга қаратилган ноёб "маҳорати" боис ҳамтовоқлари ишончи ва эътиборини қозонган Фаррух Истамовнинг дастлабки жиноий қилмиши 2020 йилнинг октябрь ойи бошида шериги Алишер Баҳронов билан ҳамкорликда амалга оширилди.

# АЛДАНГАНЛАР




Ғиждувоннинг А.Қодирий маҳалласида яшовчи Музаффар Собиров уларнинг пуч ваъда ва алдовларига учиб, 25 минг АҚШ долларини оила аъзолари рухсатисиз Алишерга тутқазди. Шу билан қайтарилиши кафолатланган пул ҳам, унинг эвазига ваъда қилинган машина ҳам бедарак кетди.

Бировнинг мулкига кўз тикканлар дастлабки "ов"нинг ўзидаёқ бунча миқдордаги пул чўнтакка киришини кутишмаганди. "Ов" бароридан келса овчининг шижоати ортаркан. Бу ҳол ўзгаларнинг ҳалол пулига кўз тиккан нияти бузуқ кимсаларнинг галдаги фаолиятида ҳам кузатилди. Икки шерик ўша йилнинг ноябрь ойида Ғиждувон шаҳрида яшовчи Меҳригул Пўлатованинг хонадонига қилинган ташриф асносида, унинг 6 минг доллар миқдоридаги пули ғараз ниятларда шилиб олинди. Ҳамтовоқлар уни аввалига "ўзингиз орзиқиб кутган яп-янги "Спарк" машинаси ҳадемай ҳовлингизни безайди", дея аврашди. Пул қўлга киргач эса машина нарёқда турсин, ўзлари ҳам буткул ғойиб бўлишди.

Орадан кўп ўтмади. Фаррух тағин йўлга отланди. Бу гал унга Анвар Толипов ҳамроҳлик қилди. Улар томонидан қўйилган тузоқ яна иш берди. Шериклар фуқаро Ўткир Ҳабибовга тегишли 80 V 775 NA давлат рақамига эга бўлган "COBALT" машинасига "харидор" бўлишди. Уловни 9 минг 700 АҚШ доллари эвазига харид қилиш ҳақидаги таклиф машина эгасига мойдай ёқиб тушди. У сотилаётган уловнинг нархи ҳеч кутилмаганда бунчага етишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Шу сабабки, таклиф этилган нархга ўйламаёқ розилик билдирди. "Харидорлар" ҳам қараб туришмади. Машина учун тўланиши зарур бўлган пулнинг 5 минг долларини шу ернинг ўзида унинг қўлига тутқазишди. Қолган 4 минг 700 доллар миқдоридаги пулни 15 кун ичида тўлаш мажбуриятини зиммага олган ҳолда харид қилинган машинага ўтиришди ва... ғойиб бўлишди.

Фаррух навбатдаги "ов"ни бошқа бир жиноий шериги Одил Яхшиев билан биргаликда амалга оширди. 80 K 079 PA рақамли "COBALT" машинаси эгаси Отабек Абдуллаев улар қазиган чоҳга қулади. 2020 йилнинг 9 декабрь куни Ф.Истамовнинг "Гулистонобод" маҳалласида яшовчи қариндоши К.Истамовнинг хонадонида эришилган келишувга мувофиқ, мазкур машина 9 минг 300 АҚШ доллари эвазига сотиб олинди. Савдо бу гал ҳам насия тарзида амалга ошди. Икки харидор келишилган пулнинг 2 минг 300 долларини бўнак тарзида О.Абдуллаевнинг қўлига тутқазишди ва қолган тўлов учун узоғи билан бир ҳафта муддат сўрашди. Сотувчи рози. Натижада ваъда ваъдалигича қолиб кетди.

Шунингдек, ғиждувонлик Акмал Акрамовнинг давлат рақами 85 P 426 GA бўлган автомашинаси 9 минг 400 АҚШ долларига "сотиб олинди". Ф.Истамов ва А.Толиповдан иборат машинафурушлар савдо пишигач автоулов эгасига 6 минг 800 доллар миқдоридаги бўнак пули беришди. Қолган пулни ўн кун ичида сотувчининг хонадонига элтиб бериш мажбуриятини зиммасига олган машинафурушлар бу даргоҳга қайта қадам босишмади. Харид қилинган машинани эса қайта савдога қўйишди ва 8 минг 500 долларга пуллашди.

**Чўнтакка тўхтовсиз оқиб келаётган беҳисоб пул машинафурушларни ҳар мақомга йўрғалатди. Бу жараёнда алдов ва ҳийланинг турфа турлари ишга солинди. Ҳийлагар машинафурушлар тарафидан пухта ўйлаб ташланган тўрга илинганлар сони ортгандан-ортди. Бировларнинг кулфати, азияти, кўз ёши олғирларга беҳисоб лаззат, роҳат, ҳузур-ҳаловат бахш этди, ўзгаларнинг зиёни уларнинг фойдасига дўнди. Олғирларга "ҳай" дегучи валломат топилмади. Оқибатда қилмиш кўламлари янада кенгайди. Ва галдаги чакки қадамлар боис яна тўрт нафар фуқаро кулфат домига тушди. Олғирларнинг ҳакалак отган нафси ва қуюшқондан чиққан қилмиши дастидан Ғиждувон туманида истиқомат қилувчи С.Турдиев 52 миллион сўм, А.Ғайбуллаев 53 миллион сўм, О.Ҳасанов 67 миллион сўм, самарқандлик И.Қиличев эса 73 миллион сўм миқдорида моддий зиён кўришди.**

Ниҳоят, бухоролик олғирларга алданган содда инсонларнинг сабр косаси тўлди. Гал арз ва шикоятбозликка етди. Натижада олғирлар тумшуғидан илинди. Тергов органи Ф.Истамов ва А.Баҳроновни Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а" банди, О.Яхшиев ва А.Толиповни эса ушбу модданинг 3-қисми "а" банди бўйича жавобгарликка тортди. Мазкур айб судда ўз тасдиғини топди.

...Бухорои шарифда автоуловлар олди-сотдиси билан боғлиқ ҳолда бир гуруҳ нафси бузуқ кимсалар тарафидан содир этилган мазкур қинғирлик машъум қилмишга қўл урганларни ўзлари кутганидек шоҳона турмуш бағрига етакламади. Бари аксинча бўлди. Зеро, жиноят учун жазо мудом муқаррар.

**Бобир УМАРОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Ғиждувон туман суди раиси**

## Хушхабар

Куни кеча мамлакатимиз ЮНЕСКО хузуридаги Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмита аъзолигига сайланди.

# ЎЗБЕКИСТОН ЮНЕСКО қўмитасига аъзо бўлди




Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмита – “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1972 йилги конвенцияни амалга ошириш учун масъул бўлган ЮНЕСКОнинг тегишли бўлинмаси ҳисобланиб, у номоддий ижод объектларини Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш ва ундан чиқариш билан боғлиқ мутлоқ ҳуқуққа эга ҳисобланади. Ушбу қўмита Жаҳон мероси фондидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади ва конвенцияга аъзо давлатнинг мурожаат – тавсиясига биноан молиявий ёрдам кўрсатади.

Қўмита ҳар йили мунтазам равишда сессияларда иш олиб бориб, жаҳон мероси рўйхатига киритишга муносиб бўлган объект номзодлари юзасидан қарор қабул қилади, рўйхатга киритилган объектларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни кўриб чиқади ва объектларни янада ҳимоя қилиш бўйича аъзо мамлакатларга тавсиялар беради.

Ушбу қўмитага кириш учун иккита даъвогарлик ўрни бор бўлиб, унинг учун бешта давлат ўзаро рақобатга киришди. Булар Ўзбекистон, Болгария, Босния ва Герцеговина, Словакия, Эстония давлатларидир. Ўзбекистон 180 та аъзо давлатнинг 105 та овозини тўплаб, юқори рейтинг билан илк маротаба қўмита аъзолигига сайланди.

Бу хабарнинг тагида ўзига хос эътироф бор. Бинобарин, Ўзбекистонга кўп йиллар давомида ЮНЕСКО ва аксар нуфузли халқаро ташкилотлар наздида энг ташаббускор, аммо муаммоли давлат сифатида қаралар эди. Мамлакатимиз борасида номоддий меросга доимий зарар етказувчи, тарихий обидаларга нисбатан ножоиз муносабатда бўлувчи мамлакатлардан бири, деган тушунчалар шаклланган эди. Бунинг учун Ўзбекистон ЮНЕСКО томонидан бир неча бор эътирозли огоҳлантириш-маълумотлар ҳам олган.

Сўнгги йилларда соҳада олиб борилган ислоҳотлар маданий меросимизни чуқур англаш, уни асраб-авайлаш ва қадр-қимматини улуғлаш борасидаги ишларни жадаллаштирди. “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда маданий мерос объектларига зарар етказганлик учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик белгиланиши билан боғлиқ қатор қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши ушбу соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий томонини ҳам мустаҳкамлаб берди. 2018 йилда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорда белгилаб берилган вазифалар ижобий ўзгаришларни таъминлаб берди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон томонидан бир қатор номоддий маданий мерос объектлари ЮНЕСКО ҳузуридаги Инсониятнинг номоддий маданий мерос репрезентатив рўйхатига киритилди. Булардан, Наврўз умумхалқ байрами, палов тайёрлаш маданияти ва анъанаси, аския санъати, катта ашула санъати, лазги санъати, бахшичилик санъати, Бойсун маданий макони ва шашмақом. Бу ҳол Ўзбекистоннинг обрўсини сарбаланд этиб, мамлакатимизнинг жаҳон олдидаги рейтингини янада юксалтиришга замин яратди.

Бугунги кунга келиб, ЮНЕСКО халқаро жамияти юртимизда соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига гувоҳ бўлиб турибди. Шундай экан, мамлакатимизга халқаро жамият томонидан улкан ишонч билдирилмоқда.

Шу билан бирга, 2022 йилнинг 3-6 июль кунлари ICESCO Бош қароргоҳида (Марокаш қироллиги, Работ шаҳри) ICESCO Ислом оламининг 10-сессия бўлиб ўтди. Ушбу халқаро тадбирда Бухоронинг 7 та маданий мерос объекти Ислом олами маданий мероси рўйхатига олинди. Бунда ICESCO Бош директори Салим ал-Малик томонидан Исмоил Сомоний мақбараси, Чор Бакр, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари, Мағоки Аттор масжиди, Пойи Калон ансамбли, қадимги Пойкент шаҳри қолдиқлари ва Тошсарой мадрасасига тегишли сертификатлар тақдим этилди.

Бундай юксак эътироф Ўзбекистон давлатининг тарихан буюклиги, жаҳон тамаддунининг ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда бугунги кунда миллий юксалиш томон амалга ошираётган одилона сиёсатига нисбатан халқаро даражада билдирилган ҳурмат-эътироф намунасидир.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**
**Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари**
**қўмитаси аъзоси**

## БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ



# ДАБУС ҚАЛЪА СИРЛАРИ

Милодий эранинг XII-XIII асрларигача яшаб ўтган муаррихлар, сайёҳлар, насабномачилар қадимда Сўғднинг, кейинчалик Мовароуннаҳрнинг бир қисми Бухоро ва Самарқанд оралиғида жуда кўп шаҳарлар, қалъалар, шаҳристонлар мавжуд бўлганлиги хусусида маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Баъзи тарихчилар бу ҳудудда аҳоли ниҳоятда кўп бўлиб, 100 га яқин шаҳар ва шаҳарчалар барпо этилган, деб фикр билдирадилар. Улар орасида X асрга мансуб ҳисобланадиган “Бухоро тарихи” ва “Ҳудуд ул-олам” асарларида Ромуш, Ромитон, Варахша, Вардона, Тавовис, Нур, Кармина, Рабинжон, Кушония, Армон, Истихон, Ганжкас, Фарнкас, Дарон, Варағсар каби шаҳарлар номлари келтирилади.

Бу шаҳарлар дарё ва каналларга яқин нуқталарда жойлашган, оқар сувлари ва дарахтлари кўп, ҳавоси мусаффо, ноз-неъматлари мўл, фаровон, обод жойлар, одамлари меҳнаткаш, меҳмондўст деб таъриф берилади. Ушбу шаҳарларнинг аксарияти милоддан олдинги мингинчи йилликларда барпо қилинганлиги археологик, илмий тадқиқотлардан маълум. Ана шулар орасида Дабусия шаҳри алоҳида ўрин тутади. Тарихий асарларда “Дабус қалъа” номи билан тилга олинадиган бу шаҳар Сўғднинг энг қадимий шаҳристонларидан бири сифатида эътироф этилади.

Эндиликда вайронага айланган Дабусия шаҳри харобалари Пахтачи тумани маркази Зиёвуддин шаҳарчасидан 7 километр шимолий-шарқда Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғида тепаликлар бағрида кўмилиб ётибди. Катта ҳудудни эгаллаган тепаликлар қадимда шаҳарнинг ниҳоятда улуғвор бўлганлигини намоён этади. Ўтган асрнинг 40-50 йилларида уни қазиб ўрганган археологлар қалъа милоддан олдинги III асрда барпо этилган, деган фикрни ўртага ташлаганлар. Бу шаҳар барпо этилиши ҳақидаги якуний хулоса эмас эди. Чунки қалъа вайроналари ҳалига қадар сўнгги маданий қатламигача тўла очиб илмий тадқиқ қилинмаган. Ёзма манбаларда Дабусиянинг ниҳоятда қадимий шаҳар эканлиги қайд этилади. Абу Бакр Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи” асарида ***“Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди. Нур, Ҳарқонруд, Вардона, Таровча, Сафна ва Исвона ўша қишлоқлар жумласидандир. Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Байканд (Пойканд) эди. Шаҳар Дабусий қалъа бўлиб, шаҳар деб шуни атар эдилар”,*** деб маълумот беради. Бу маълумот шаҳар ёшини археологлар тахмин қилган милоддан олдинги III асрдан бир неча юз йилликларга кексайтиради. Бошқача айтганда, унинг барпо этилиш тарихи Самарқанд, Кўктепа, Ерқўрғон каби қадимий шаҳарлар билан бир даврга, милоддан олдинги мингинчи йилликлар бошига тўғри келади.

*Дабусиянинг шаҳар сифатида барпо этилиши, шаклланиши ва тарихан ривожланиши турли даврларда ҳар хил кечган. Милоддан олдинги VI-V асрларда Ўрта Осиёда аҳамонийлар ҳукмронлиги даврида шаҳар кенгайиб тараққий этган. Ҳунармандчилик юксалган. Лекин янги эрадан аввалги IV асрда Александр Македонский бошчилигидаги юнон-македонлар босқини пайтида шаҳар вайронага айлантирилган. Кейин ўзини тиклаб олган қалъа араблар босқини натижасида яна оғир талофат кўрган. Сўғдда Араб халифалигига қарши қўзғалон кўтарилганда бу ерда 10 минг кишилик қўшин турган. Дабусиянинг – катта шаҳарнинг яна бир марта харобага айланиши мўғуллар босқини оқибатида рўй берган.*

*Қадимий битикларда шаҳар ҳаётида турли воқеалар юз берганлиги қайд этилади.* Юнон тарихчиси Арриан “Александр юришлари тарихи” асарида ***“Спитамен Мароқандни қамал қилди, шаҳарга Александрдан ёрдам келаётганини эшитиб қамални тўхтатди, Сўғдиёнанинг пойтахтига чекинди. Лекин Мароқанд яқинида македонлар ҳар томонлама исканжага олиниб, жуда озгинаси банди қилиниб, қолган бари ўлдирилди. Александр Спитаменни таъқиб қиларкан, бутун ўлкани вайрон қилиб қирғинга солди. Қўрғон ясаб, мустаҳкам биқиниб олганларни қирди, чунки улар македонларга қарши ҳужумда иштирокчи эканликлари маълум эди. Шу йўсинда Александр Политимет (Зарафшон) дарёси суғорадиган ўлкани бошидан охиригача босиб ўтди”,*** деб ёзади. Бу маълумотдан босқинчи Александрнинг ҳам, озодлик учун курашчи Спитаменнинг ҳам Зарафшон соҳилидаги Дабусияга келганликлари маълум бўлади.

Дабусия шаҳри ниҳоятда қулай нуқтада барпо этилган. Шаҳар атрофидаги ерлар деҳқончилик учун унумдор ҳисобланади. Қалъа сувнинг бўйида жойлашган. Зарафшоннинг икки ирмоғи Оқдарё ва Қорадарё шаҳар яқинига келганда қўшилиб, катта дарёга айланади. Бу шаҳарнинг сув таъминоти учун ҳам, ҳимоя воситаси учун ҳам қулайлик туғдиради. Шаҳарнинг бир томондан Нурота, Лангар тоғларига, иккинчи томондан Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғ тизмаларига яқинлиги, улардан қазиб олинадиган рудалар, минераллар, қимматбаҳо маъданларнинг кўплиги ҳунармандчиликнинг тез тараққий этишига замин яратган. Шунинг учун шаҳар кўп даврларда марказ вазифасини ўтаб келган. У милодий эра бошларида Буюк Ипак йўлининг йирик савдо марказига айланган. VI-VII асрларда эса у Буюк Ипак йўлининг марказий қисмида турган Фай давлатининг пойтахти бўлган, деб тахмин қилинади. IX-XII асрларда эса Бухородан Самарқандга борадиган “Шоҳ йўли”да Нурота ва Кармина йўлларини бирлаштирувчи марказ вазифасини бажарган. Умуман, Дабусия Сўғдда ва Мовароуннаҳрда дастлабки катта шаҳарлардан бири сифатида улуғланган.

Дабусия вайроналари кўмилиб ётган тепаликлар оралаб борсангиз дастлаб бу ерларда тарих бутунлай унутилгандек таассурот қолдиради. Кейин тепаликлар орасида тарихий иншоотлардан бирининг юқори қисмига кўзингиз тушади. Юқорига кўтарилганингиз сайин археологик қазишмалар натижасида топилган турли тарихий ашёларнинг қолдиқлари намоён бўла бошлайди. Демак, бу ерда ўтмиш излари сўнмаган. У тепаликлар, вайроналар бағрида ўз тарихини сақлаб келмоқда.

Зарафшон дарёси соҳилидаги қадимий Дабусия қалъасининг харобалари ўрнида юзага келган тепаликлар ниҳоятда катта ҳудудни эгаллаган. Унинг умумий майдони 140-150 гектардан ошиқни ташкил қилади. Шаҳарнинг бундай катта ҳудудда барпо этилиши табиий эди. Милоддан олдинги мингинчи йилликнинг бошларида шаҳарлар қуришда ана шундай анъана шаклланганди. Мамлакатимиз ҳудудларидаги дастлабки йирик шаҳарлар Афросиёб, Ерқўрғон, Оқчахон қалъа кабиларда бошланган бу анъана Дабусия шаҳарсозлигида ҳам давом этган. Шаҳар уч қисмдан иборат ҳолда қад ростлаган. Унинг марказида Арк, Арк атрофида шаҳристон, шаҳристон атрофини эса работлар ўраб турган. Арк шаҳарнинг энг баланд нуқтасида, Зарафшон қирғоғида тикка кўтарилган тепалик устида жойлашган. У алоҳида мудофаа девори билан ўралиб, яна ҳандақ билан ҳам ҳимояланган. Тепалик пастидаги чуқурлик шу ҳандақ ўрнини билдиради. Баъзи манбаларда Арк 1,5 гектар, шаҳристон 2,5 гектар, работлар 50 гектардан ошиқ деб маълумот берилган. Дабусия харобаларини кузатган одам бу маълумотларнинг аниқ эмаслигини, арк ва шаҳристон камида 40-50 гектар эканлигини англайди. Работларнинг бугунги кунгача сақланиб қолган қисми 70-80 гектарни ташкил этади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин, ўтган асрнинг 50-йилларида шаҳар тарихини ўрганган қадимшунослар Дабусиянинг IX асрдан кейинги қайта қурилган Арки, шаҳристони, работлари ўрни хусусида маълумот берган бўлишлари мумкин. Демак, шаҳар тархи ҳақидаги ҳақиқий маълумотлар кейинги археологик қазишмалардан кейин тўла аниқланади.

Дабусия шаҳрида олиб борилган археологик кузатишлар, тадқиқотлар натижасида турли даврларга оид тарихий ашёлар, осори-атиқалар топилган. Улар орасида қадимги даврга, яъни милоддан олдинги III асрдан милодий III асрларга мансуб антик давр хумлари, кўзалар, сопол қувурлар, идишлар, қадаҳлар учрайди. Кейинги маданий қатламлардан илк ўрта асрларга, милодий VI-VII асрларга хос тош ва сополдан ишланган буюмлар, сирланган товоқлар, шамчироқлар, хумчалар қолдиқлари қазиб олинган. Ундан кейинги ўрта асрлар даврида, милодий IX-XII асрларда бу ерда ишлаб чиқариш кучайган. Савдо-сотиқ ривожланган. Шунинг учун бу даврдаги осори-атиқалар орасида тангалар, шиша идишлар, темир буюмлар кўпроқ сақланиб қолган. Бу топилган осори-атиқалар, ашёлар дабусияликларнинг милоддан олдинги даврлардан то XIII аср бошларига, мўғуллар босқинига қадар кечган ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари ҳақида маълумот беради. Қадим шаҳарда қурилган иншоотлардан бирортаси сақланиб қолмаган. Шаҳар мудофаа деворининг айрим ўринлари вайрона ҳолда кўзга ташланади. Қадимшунослар маълумотига кўра, шаҳар остида алоҳида йўлак бўлган. Бу йўлак шаҳарни сув билан таъминлаш учун ҳамда мудофаа ишлари учун хизмат қилган. Афсуски, ер ости йўлагининг аксарият қисми кўмилиб кетган. Бир қисми бугунги кунгача етиб келган. Шаҳарнинг харобалари Зарафшон соҳилидан янада улуғвор, юксак даражада намоён бўлади.

Шаҳарнинг жанубий-ғарб томонида, рабодлар қисмида битта тарихий ёдгорлик сақланиб қолган. Катта пештоқли, гумбазли, пишиқ ғиштлардан барпо этилган бу ёдгорлик тархи, кўриниши, қурилиши ва бошқа жиҳатларидан ўрта асрлар иморатсозлиги намунаси ҳисобланади. Пештоқнинг ғиштлар билан безалганлиги унинг бир пайтлар сопол кошинли нақшлари, ёзувлари бўлганлигини ҳам кўрсатади. Афсуски, бу нақшлар, ёзувлар бугунги кунгача етиб келмаган. Халқ орасида бу иншоот “Имом Баҳри ота” мақбараси номи билан юритилади. Имом Баҳри отанинг асл исми-шарифи, кимлиги, нима ишлар қилганлиги маълум эмас. Лекин мақбаранинг, мақбара ичидаги қабрнинг зиёратгоҳ сифатида эъзозланиши, Баҳри отанинг имом деб улуғланиши бу ерда мангу ором топган зотнинг халқ орасида юксак обрў топган аллома, зиёли инсон бўлганлигидан дарак беради. Тарихий манбаалардан маълумки, Дабусиядан кўплаб алломалар етишиб чиққан. Абдулкарим ас-Самъоний “Ал-ансоб” асарида X-XII асрларда Дабусий тахаллуси билан ислом оламида машҳур бўлган 30 дан ортиқ алломаларнинг номларини келтиради. Улар орасида буюк фақиҳ, мутасаввуф, усул, жадал, адабиёт фанлари билимдони Абу Зайд Дабусий милодий 1000 йилларда “илмул хилоф” (яъни қиёсий ҳуқуқшунослик) фанига асос солганлигини эътироф этади. Агар қиёсий ҳуқуқшунослик дунё илм-фанида XX асрга келиб тан олингани назарда тутилса, Дабусийнинг бу кашфиётининг нечоғли улуғворлиги аён бўлади. Ёхуд 1100 йилларда Абулқосим Дабусийнинг Бағдодда “Низомия” мадрасасида мударрислик қилгани бу шаҳарнинг илм-фан оламидаги яна бир нуфузини кўрсатади. Демак, бу шаҳарда “Имом Баҳри ота” мақбарасининг тикланиши бежиз бўлмаган. У илм-фан соҳасида алломалар шаҳри сифатида ҳам дунёга танилган.

Дабусия шаҳри бир неча минг йиллик тарихида кўп воқеаларга гувоҳ бўлди. У аҳамонийлар босқини, юнон-македонлар, арабларнинг қирғинбарот урушларини, мўғулларнинг ваҳшиёна талончиликларини ва яна бошқа кўплаб жангларни бошдан кечирди. Қалъа кўп бора вайронага айланди. Лекин бу ерда ҳаёт сўнмади. Темурийлар даврида шаҳар яна тараққий этди. XVII асрдан кейин ҳам шаҳар аркида ҳаёт давом этган. XVIII-XIX асрларда шаҳар Бухоро амирлигининг Зиёвуддин беклиги марказига айлантирилди. Қадимий арк ўрнида қўрғон тикланди. Қўрғон мудофаа деворлари билан ўралди. Шаҳристон ва работлар ўрнида ҳунармандчилик устахоналари, бозорлар барпо этилди. Лекин шаҳарнинг беклик маркази сифатидаги фаолияти узоқ давом этмади. XX аср бошларига келиб бу ер ташлаб кетилди. Шундан кейин қадимий шаҳар ўрни тепаликларга айланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин кўплаб археологлар гуруҳлари бу ерда қазишма ишларини олиб боришга ҳаракат қилдилар. Шаҳар ҳудуди ниҳоятда катталиги учун бу иш амалга ошиши қийин кечди. Ниҳоят, кейинги йиллар давомида бу ерда япониялик ва ўзбекистонлик археологлар қазишма ишларини олиб бормоқдалар.

Дабусия мамлакатимизда шаҳарсозлик маданиятини бошлаб берган, давлатчиликнинг юксалишига ҳисса қўшган қадимий қалъа, шаҳристонлардан бири ҳисобланади. Унинг олис ўтмишини, босиб ўтган йўлини ўрганиш, нафақат шаҳар тақдирини, кечмишини тадқиқ этишга, балки юртимиз тарихининг номаълум саҳифаларини ёритишга, аждодларимизнинг бунёдкорлик меросидан баҳраманд бўлишга ҳам хизмат қилади.

**Камол МАТЁҚУБОВ,**
**Ўбекистонда хизмат кўрсатган**
**журналист**



## Ибратли воқеа

**Ўткир ҲОШИМОВ**

# СУВ

**Ота-боболаримиз «сувни исроф қилма», «ҳовли супураётганда ахлатни ариқ томонга супурма», «сувга туфлама» деб қайта-қайта қулоғимизга қуйгани бежиз эмас.**

**Болалигимда рўй берган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Дўмбировот боғ-роғлар маскани эди. Бу ерда тўқимачилик комбинатига тегишли болалар оромгоҳи (ўша пайт тили билан айтганда пионерлар лагери) бўларди. Бизнинг ҳовли шу лагернинг ичида эди. Отам (биз отамни ада дердик) ҳам, ойим ҳам шу лагерда ишлар эдилар. Ёз келиши билан юзлаб болалар дам олишга келар, ҳаммаёқни шодон қий-чув тутиб кетар эди...**

**Бир куни ғалати иш бўлди. Кичик акам жангарироқ, «жанжални пулга сотиб оладиган» хилидан эди. Чўмилишга бордик. Қарасак, бир бола шундоқ ариқ бўйида туриб сувга «чоптираяпти». Акамнинг жон-пони чиқиб кетди! Бояги боланинг орқасига бир тепган эди, сувнинг ўртасига бориб тушди. Шўрлик сузишни билмас экан, оғиз-бурнига сув кириб чўкиб кета бошлади. Акамнинг ўзи анҳорга калла ташлаб олиб чиқди. Ҳангома ўша заҳоти овоза бўлди. «Фалончининг безори ўғли лагерда дам олаётган пионерни чўктирмоқчи бўпти».**

**Хуллас, мелиса келди, муҳокама бошланди. Албатта, биринчи галда отамни айбдор қилдилар. «Безори» бола тарбиялагани учун. Шунда отам ҳам ғалати иш қилди. Оромгоҳ шаҳардан узоқда бўлгани учун бу ерда ҳам водопровод йўқ, ариқдан сув ичиларди. Сувни тозалаш учун кокс (ғаваксимон кўмир) солинган ҳовуздан ўтказиб, кейин цементланган иккинчи ҳовузга қуйиб, истеъмол қилинар эди.**

**Отам «жабрланувчи» болани етаклаб ўша ҳовуз бўйига олиб келди. Бошини силаб, отини сўради. Нечанчи синфда ўқиши билан қизиқди. Сўнг бундай деди: «Биламан, ўғлим, сен шаҳарда турасан, қувурдан сув ичасан, кўчадаги ариққа чоптирсанг, биров индамайди. Кел, болам, манави ҳовузга бир чоптиргин!»**

**Тўпланганларнинг капалаги учиб кетди! Айниқса, оқ халат кийган дўхтир хотин «Бу қанақаси, сиз зараза тарқатиб, ҳаммани дизентерия қилмоқчимисиз, нима ҳақингиз бор?» деб шовқин солди. «Уларчи? — деди отам сув оқимининг пастига имо қилиб. — Улар дизентерия бўлмайдими? Улар одам эмасми? Юз қадам нарида ҳам инсонлар яшайди, барака топгурлар! Улар ҳам шу ариқдан сув ичади!»**

**Ҳамманинг дами ичига тушиб кетди. Кўзойнак тақиб юрадиган лагер бошлиғи ўрис хотин эди. «Бу одам тўғри айтаяпти! — деди у чертиб-чертиб. — Бундан кейин қайси бола сувга чоптирса, вожатийсини жавобгар қиламан!».**

# Буни умр дерлар, шодлик, қайғули...



**– Эшитишимча, Маъмуржон Тўхтасиновнинг отаси ҳали у онасининг қорнидалигидаёқ Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқовдан туғилажак боласи ўғил бўлса, отини Маъмуржон қўйишга розилик олган, кейинчалик бир тўйда 3 ёшлик кичик Маъмуржонни етаклаб, ҳофиз олдига олиб бориб, у кишидан: "Шу бола улуғ санъаткор бўлсин", дея дуосини олган экан. Шу ҳақда эшитганмисиз?**

– Ҳа, кўп эшитганман. 1958 йилда дадам (қайнотам демоқчи) Тошкентда, педагогика институтининг немис тили факультетида ўқиб юрган кезлари экан. Ўша пайтда қайнона-қайнотамнинг икки боласи бўлиб, учинчи фарзандини кутаётган эканлар. Чойхонада Халқ ҳофизлари Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов сўрида қўшиқ айтиб ўтиришган, менинг билишимча. Қайнотам уларни тасодифан кўриб қолиб, чой ташиб, хизматларини қилган. Шунда улар қайнотамни дуо қилишган. Ўша пайтда ҳавас қилиб, ўғил кўрсам отини Маъмуржон қўяман, деб ният қилган ва ниятларига етган...



Биз у киши билан битта жойда, "Беклар" маҳалласида туғилиб ўсганмиз. У киши мана шу уйда, биз эса тўртта уй наридаги ҳовлида яшардик.

**– Унда болалигингиздан бирга ўйнаб-ўсганингиз учун бир-бирингизни яхши билар экансизлар-да?**

– Йў-ўқ, то уйимизга совчи бормагунича кўчамизда шундай йигит яшашини ҳам билмаганман. Бўлмаса уйларимиз бир-бирига шундоққина кўриниб туради. Чунки у киши туманимиз марказидаги 1-сонли рус тилига ихтисослаштирилган ўрта мактабда таҳсил олган. Мен эса қишлоғимиздаги 4-сонли мактабда ўқиганман. Энди ўйласам, кичкиналигимизда ҳар тонг у киши бу томонга, мен бошқа томонга мактабга кетар эканмиз. У пайтларда ҳамма, ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам сентябрдан то декабрнинг охиригача пахта теришга кетардик. Қайинсинглим пахтада мени ёқтириб қолган ва ота-онасига келинликка тавсия қилган экан. 1983 йилда 10-синфни тугатаётган кунларим эди. Июнь ойида уйимизга қайнотам совчи бўлиб чиққан. У пайтларда қизларни эрта турмушга беришарди. Ёшимиз орасидаги фарқ саккиз ёш эди. Ўшанда онам менинг ёнимга бир расм олиб кириб, "манави бола экан, кўр-чи" , деганлар. Бир кўрибман, бошқа қарамабман ҳам. Ўша-ўша чиройли сурати кўз олдимда қолган. Жуда чиройли йигит эди...

**– Расмларини кўриб розилик беравердингизми?**

– Йўқ, у пайтлари қиздан розилик сўралмасди, мендан ҳам сўрашмаган. У киши ҳам қизнинг расмини олиб чиқинглар, деган экан. Ўшанда биз мактабда битирувчи ўқувчилар винетка учун расмга тушган эдик. Ўшани олиб чиқиб кўрсатишса, "бўлавради", дебди... Шу билан тўйимиз бўлиб кетди.

**– Тўйгача учрашгандирсизлар?**

– Тўйдан олдин никоҳдан ўтиш учун ариза беришга маҳалламиз бошидаги сельсоветга борганмиз. У кишининг "Москвич" машинаси бор экан. Қайтишимизда бизни уйга яқинроқ жойгача олиб келиб қўйган. Ўшанда ёнимда турса ҳам кўрмаганман, яъни юзига қарамаганман, қаролмаганман. Ўшанда.17 ёшли қиз эдим, бориб ҳужжатга қўл қўйиб келаверибман. Бошқача бўлган эканми у замонлар...

**– Ота-онангиз артистга қиз бермаймиз дейишмадими?**

– Йўқ, у пайтда артист эмас эди-да. Қўқондаги автомобиль йўллари техникумини тугатиб, маданият уйида ишлаган, кейин ҳарбий хизматга бориб, Тошкентда Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги ҳарбий ансамблда Турғун Бекназаров, Муҳриддин Ҳолиқов билан бирга 2 йил хизмат қилган. Санъатга қизиқиши устунлик қилиб, Тошкент маданият институтига ҳужжат топширади, 1-курсни тугатаётган пайтлари эди. Мана, шу ҳовлида тўйимиз бўлган. Тахталардан ўриндиқ қилиниб, меҳмонларга жой қилинган, бир файзли тўй бўлган.

**– Тўйдан кейин ҳақиқий оилавий ҳаёт бошланади. Бу хонадондаги турмуш тарзи сизнинг оилангизникига ўхшармиди?**

– Онам колхозчи бўлиб, Фарғона каналини қазишда иштирок этган аёллардан. Отам деҳқон эди. Бу оиладагилар эса аксинча, ҳаммаси ўқимишли, зиёли, маданиятли одамлар эди, фақат мен ўқимаган эдим. Қайнотам Салим ака Тўхтасинов мактабда немис тилидан дарс берарди. 40 йил шу соҳада ишлаганлар. Қайнонам раҳматлик Насибахон ая уй бекаси бўлса ҳам тўн тикиб сотиб, рўзғорга қарашар эди. Жуда оқила аёл бўлганлари учун шу кишига ўхшасин деб, қизимга бувисининг исмларини қўйганмиз. Қайнотам болаларидан аъло ўқишни қаттиқ талаб қилар, қайнонам эса уларнинг ўқиши, юмушларини ўз вақтида бажаришини назорат қилардилар. Кейинчалик қайинсингилларимнинг ҳаммаси ўқитувчи бўлишди. Оила даврасида доимо илмий суҳбатлар, тортишувлар, баҳслар бўларди. Ўшандай пайтларда олий маълумотим йўқлиги учун уларнинг суҳбатига қўшилолмасдан жим ўтирар, ич-ичимдан қийналардим, албатта. Қайнотам мени институтда ўқитмоқчи ҳам бўлган. Аммо кетма-кет болаларимиз туғилгач, вақт тополмадим...

**– 17 ёш келинчакнинг 5 нафар қайинсингил билан муроса қилиши, рўзғор ишларини эплаб кетиши осон бўлмагандир?**

– Қайнотам овқатга инжиқроқ эди. Шунинг учун овқатни қайнонам тайёрлар, мен бошқа юмушларни бажарар эдим. Ишонасизми, саккиз йилда ошни оби-тобида, қайнотамга ёқадиган қилиб пиширишни ўрганганман. Шунгача қайнонам ош дамлардилару, "ана энди ошни солиб келаверинг", дерди. Қайинсингилларим эса опа-синглимдай эди, болаларимни катта қилишда кўп ёрдам беришган.

Турмуш ўртоғим жуда кўнгилчан, оғир, босиқ ва тўғрисўз инсон эди. Баъзи эркакларга ўхшаб зиёфату чойхоналарнинг шинавандаси эмас, ишдан бўшашлари билан уйга, оиласи, болалари ёнига шошарди. Тўйимиздан 15 кун ўтиб Тошкентга ўқишга кетди, аммо ҳар жума куни поездда, албатта, уйга келарди. У пайтлар ҳовлимизнинг бир томонида девор йўқлиги учун очиқ дала бўлиб, нима иш билан машғул бўлсам ҳам кўз қиримни шу томонга ташлаб қўярдим. Бир қарасам, жилмайиб келаётган бўларди, ҳозиргача кўз олдимда турибди. Ўқишларини тугатгунча шундай яшадик.

1986 йилда, яъни ўқишни тугатиш арафасида телевидениеда қўшиқлари берилиб, анча танилиб қолди. Бир қизимиз бор эди. Ўғлимнинг туғилиши жуда қизиқ бўлган. У киши биз билан янги йил кутишга келди, мен эса қайнонам билан туғруқхонага кетдим. Ўшанда шундай хурсанд бўлганлар-ки... У пайтлар эркаклар туғруқхонага бориши уят ҳисобланса ҳам қайнотам ва хўжайиним чақалоқни кўргани боришарди. Ўғлимизнинг отини ўзлари Умиджон деб қўйган. Менимча, яхши қўшиқлари билан одамлар кўнглидан жой олишни, ўғлининг ҳам яхши инсон, яхши ҳофиз бўлишини умид қилиб, яхшилик истаб шундай исм қўйган бўлсалар керак.

**– Ҳофиз кўпинча тўйларда, эл хизматида юриши табиий. Қўшиқларига раққосалар ўйнаганида, баъзида ҳамкасаба аёллар уйга қўнғироқ қилиб безовта қилишса қандай ҳолатга тушардингиз?**

– Жаҳлим чиқарди, албатта. Аммо ичимга ютардим. Айниқса, 1990 йилда "Яхшилиғ" қўшиғини айтганидан кейин безовта қиладиган аёллар сони кўпайиб кетди. Уйимизга телефон қилиб, сўрайверишар эди, "чақириб беринг, танишиман", дейишарди. Аммо у киши мени уйда йўқ денглар дер, бирон марта телефон гўшагини ўзи кўтармасди. Аёл бўла туриб, эркак кишининг уйига телефон қилиб, хотинидан унинг эрини сўрашганига ҳайрон қолардим. Мобиль телефон энди урф бўлаётган паллалар эди. Бир куни ҳатто таниқли шоира аёл Муяссар Отажонова қўнғироқ қилиб, "Маъмуржон борми?" деса, "Нима қиласиз?" дебман. "Нотўғри тушундингиз, шекилли, мен шоираман, шеърларимни бермоқчиман", деса хижолат бўлдим. Унинг кўп шеърларини қўшиқ қилганлар.

**– Турмуш ўртоғингиз уйга кеч келган пайтларида шубҳа туфайли бошланган жанжалга қайнона-қайнотангиз аралашармиди?**

– Йўқ, бизнинг бирон гапимиз хонамиздан ҳовлига чиқмас эди. Чунки қайнона-қайнотамнинг салобати, ҳурмати бор эди. Уларга ҳеч нимани сездирмасдик. Чунки катталар бор уйда келиннинг бунақа майда-чуйда гапларни гапириши уят-ку. Ҳозир менинг ҳам уч келиним бор. Улар ҳам менинг олдимда андиша қилишади. Ҳурматимни қилишади. Барибир қайнона-қайнотали уй бошқача бўлади.

**– Турмуш ўртоғингизнинг ўзи ҳам ота-онасидан ҳайиқармиди ёки эрка ўғилмиди?**

– Қайнотам фарзандларини назоратда ушлар, ҳаволаниб кетмасин, нотўғри йўлга юрмасин дер, жуда ақлли одам эди. Улар "келин, агар ўғлимнинг ичиб ёки чекиб келганини сезсангиз, дарров менга айтинг. Айтмасангиз сиздан хафа бўламан", дерди.

**– Айтармидингиз?**

– Нимани айтаман, у кишининг бундай ёмон одатлари бўлмаса... Ўзи ҳам, дўст-ёрлари ҳам жуда яхши одамлар эди.

Қайинакам икки фарзандли бўлганида автоҳалокатга учраб, оламдан ўтди. Бу киши ота-онасининг ёлғиз суянчиғи бўлиб қолди. Балки мен келин бўлиб тушгунимга қадар кўп азоб чеккан, тақдир синовларига учраганлиги туфайлидир. Бу киши армиядан келгач, декабрь ойида қўшнимиз қариндошиникига тўйга олиб кетган, қайтишда қуюқ туман бўлганлиги учун шофёр йўлни кўролмай машинани катта зовурга қараб ҳайдаган, натижада қўшним ва яна бир киши оламдан ўтган, икки киши узоқ даволанишдан кейин ҳаётга қайтишган экан. Шулардан бири Маъмуржон ака бўлиб, жарроҳлик операциясида оёғининг эзилган қисмини кесиб ташлагач, икки-уч йилча тўшакка михланган, аммо жони омон қолган, ўнг оёғи калта бўлиб, оқсайдиган бўлган экан.



**– Тузалиб кетгач, яна тўйларга, эл хизматига чиқиб кетган эканлар-да?**

– Ҳа, шунда қайнотам агар қўшиқ айтмоқчи бўлсанг, аввало, институтда ўқийсан, деб шарт қўйган экан. Шундан кейин ўқишга кириб, институтни тугатиб келгач, Олтиариқ маданият уйида бадиий раҳбар, мусиқа мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаб, 1997 йилдан "Ўзбекнаво" бирлашмасининг Фарғона вилоят бўлимида яккахон хонанда сифатида фаолият юрита бошлади. Қаерда ишламасин, бир зум ижоддан тўхтамасди. Мумтоз ашулаларни фарғонача ижро услубида куйлаганида одамлар бутун вужуди билан тингларди. Бундан ташқари, "Лайли ва Мажнун", "Шаҳзода ва Малика", "Кеча ва кундуз", "Бобур" видеофильмларида куйлаган мумтоз ва ўзи басталаган ашулалари бетакрор мусиқий асарлардир. Маъмуржон ака меҳнатининг самараси сифатида 1998 йилда Халқаро Бобур мукофоти совриндори бўлди.

**– Хонанданинг "Яхшилиғ" қўшиғининг ўзи мукаммал ижро. У яратилганига 30 йилдан ошган бўлса ҳам ҳамон қўшиқ ихлосмандларининг севимли дурдоналари ҳисобланади. Унинг яратилиш тарихидан хабарингиз борми?**

– Фаттоҳ ака деган яқин инсони Маъмуржон акамни "Ёшлар куйлаганда" концерт дастурига таклиф қилган экан-у видеофильмга мос овоз эгаларини саралаб юрган режиссёр Мақсуд Юнусовга "Бугун Олтиариқдан бир йигит келади, эшитиб кўринг-чи, сизга маъқул бўлар", дебди. Режиссёрга ҳақиқатдан ҳам Маъмуржон аканинг қўшиқлари ва овози ёқибди, куйга солиб, тайёрлаб келиши учун ўнга яқин шеър бериб юборибди. У киши ўша шеърларни уйда ўтириб, қўшиқ ҳолатига келтирдилар. Ўзига маъқул бўладиган даражага етгач, аввало, дадамга айтиб берди. Улар билан бирга биз ҳам эшитганмиз. Қайнотамнинг қулоғига ёққач, оқ фотиҳасини олиб, овоз лентасига ёздириш учун Тошкентга кетди. Шу аснода "Яхшилиғ" қўшиғи пайдо бўлди.



**– Ҳофизнинг нафақат "Яхшилиғ", балки "Буни умр дерлар", "Нима қолди" каби кўплаб қўшиқлари жуда машҳур. Бундай қўшиқларни яратиш ўзига ёқармиди ёки мухлислари талаб қилармиди?**

– У киши унча-мунча шеърни қўшиқ қилишга шошмасди. Кўп китоб ўқир, улар орасида романлар, қиссалар, шеърий асарлар бўлар эди. Шулар ичида ўзига ёқадиган шеър чиқиб қолса, олиб қўяр, вақти келганида куйга соларди. Умрбоқий мавзуларни, дўстлик, инсонийлик, меҳр-оқибат, садоқат ҳақидаги шеърларни яхши кўрарди. Ҳеч қачон тўйбоп қўшиқлар, обрў келтириш учун ашула айтмас эди, янги қўшиқлари ўз-ўзидан одамларнинг кўнглига ёқарди шекилли, оммалашиб кетарди.

**– Ижод қилаётганида болалари халақит берса, дакки берармиди?**

– Иложи борича болаларнинг отасига халақит беришларига йўл қўймасдим. Болалар кириб қолса ҳам уларни бирон марта уришмаган. Ҳаётида кетма-кет содир бўлган бахтсиз воқеалар-автоҳалокатлар нафақат уни, оиламиздаги ҳар биримизни анча мулоҳазали, эҳтиёткор, бир қарашдан бир-биримизнинг фикримизни уқадиган, қадрлайдиган қилиб қўйган эди.

1998 йилда тошкентлик таниқли бир санъаткор қиз узатаётган экан, тўйга турмуш ўртоғимни таклиф қилди ва у кетди. Ўшанда иккинчи марта яна автоҳалокатга учради. У вақтда қайнонам оламдан ўтган, қайинсингилларим турмушга чиқиб кетишган бўлиб, қўлимда кичик қизчам, яна тўрт нафар болаларим бор эди. Беш бола билан қаерга бора оламан?! Уларни олиб юриш бир муаммо. Уйда қолдирай десам, қараб туришга одам йўқ. Бу гал шофёр йўлдан чиқиб кетиб, бу кишининг оёғи яна ўша жойидан синган эди... Бир ой Тошкентда ётди, шу вақт ичида қайнотам раҳматлик икки катта боламни уйда қолдириб, мени ва уч боламни олиб, бир мартагина кўрсатиб келдилар... Бир ойдан сўнг бир амаллаб уйга олиб келишди. Уйга келганидан кейин ҳам бир йилча қимирламай ётди. Туриш, юриш мумкин эмас эди. Аҳволини кўриб биз чидолмасдик. Лекин шунчалар иродали, сабрли эди-ки, жони оғриса ҳам бирон марта нолимасди. У кунларни эслашни ҳам истамайман...

**– Оғир кунларида дўст-ёрлари ҳам хабар олиб туришдими?**

– Ҳаётнинг ҳар бир ташвиши-синов деганларидек, ўшанда мен у кишининг садоқатли, меҳр-оқибатли дўстлари борлигига гувоҳ бўлганман. Дўстлари ёнидан кетишмади десам, муболаға бўлар-ку, аммо ёлғизлатиб қўйишмади. Ўша пайтлари уйимиздан дўстларидан ташқари маҳалла-кўй, таниш-билиш, қўни-қўшнининг оёғи узилмади. Шу оқибатли одамлар яшаш учун курашга куч берарди, чамамда. Нима қаттиқ деса тош қаттиқ, тошдан ҳам бош қаттиқ, дейишгани каби, жисмоний оғриқларни сабр билан енгиб, бир йилдан кейин оёққа тура бошлади, икки йил ўтгач, 2000 йилда "Туркистон" санъат саройида концерт берди.

**– Қувончу изтиробга, ҳаётга, муҳаббатга тўла концерт денг... Сиз ҳам концертга бордингизми?**

– Йўқ, ўшанда "сизлар борсангизлар хаёлим бузилади", деб бизларни олиб кетмаган. У кишининг бир оғиз сўзи биз учун тиллолардан аъло бўлиб, кўнглимиз шукронага тўла, ҳали тамоман тузалмаган бўлса ҳам саҳнага, умуман ҳаётга қайтганидан хурсанд эдик... Биз телевизорда томоша қилдик. Концертга шунчалар кўп мухлис келган экан-ки, санъат саройига одам сиғмабди. Ўша йили Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди. Бу эътироф ҳофиз учун нафақат мукофот, ҳаётидаги оғир кунлардан кейинги руҳий қўллаб-қувватлаш, катта олқиш, қора булутдан кейин чарақлаб чиққан қуёш каби эди.

**– Маъмуржон Тўхтасинов ҳофиз бўлмаганида ким бўларди, деб ўйлайсиз?**

– Агар қўшиқчи бўлмаса, шифокор бўларди. Чунки жуда кўп эшитганман: "шифокорлик жуда яхши касб-да", деганларини. Балки шифокорларнинг беминнат хизматлари туфайли соғлиги тиклангани учундир. Балки бу касб эгаларининг одамларга кўпроқ нафи текканлиги сабаблидир.

**– Ҳофизнинг оила кам-кўстига қарашга вақти бўлармиди?**

– Оилада ҳеч қачон харажат муаммо бўлмаган. "Уйда нима камчилик", деб сўрарди. "Бирон нарса кам бўлса мен хотиржам юролмайман", деб харажатларни бир-икки ойга етадиган қилиб қўярди. Мен харажат учун бозорга чиқиб кўрмаганман. Ҳозир ҳам шу хислатини ўғилларимга ибрат қилиб кўрсатаман.

**– Болаларнинг муаммолари билан ким шуғулланарди? Дейлик боғчаси, мактаби дегандай.**

– Болаларнинг ҳаммаси гимназияда ўқиган. Ҳар бирининг синф йиғилишигача ўзлари борарди. Болаларга жуда меҳрибон, худди яқин ўртоғи, дўсти каби гаплашарди. Уларга қаттиқ гапирганини эслолмайман.

**– Ҳаётингизнинг алоҳида қувончли кунларида, яхши кунларда сизларга қандай совғалар беришни яхши кўрарди?**

– Кўпинча болаларга ўйинчоқлар, катта машиналар, қизларга қўғирчоқ опкелар эди. Бир боланинг туғилган куни бўлса, хафа бўлишмасин деб ҳаммасига совға улашарди. Болаларга совға қилган машиналари ҳалигача уйимизда турибди.

**– Ҳофиз маҳалла-кўй, қўни-қўшниларнинг тўйларида хизмат қилган бўлиши табиий. Олтиариқда хонандалар ўзи яшайдиган туман аҳли тўй қилса, улардан хизмат ҳақи сўрамас экан. Бу одатга қандай қарарди?**

– Тумандошларимиздан хизмат ҳақи олмасди. Ночорроқ оилалар бўлса одамлар қистирган пулларини ҳам уй эгасига ташлаб келарди. Хайр-саховатни яхши кўрар эди. Буларни ҳам биз одамларнинг уни дуо қилиб, хурсанд бўлиб гапирганларидан билардик. Бунақа нарсаларни айтиб бўлмайди, гапирса хайри ҳам қолмайди аслида.

**– Бугун устоз санъаткорнинг фарзандлари ҳам улғайишган. Улар орасида отасининг изидан бораётганлари ҳам борми?**

– Катта қизимиз Адолат кулолчилар оиласига келин бўлиб тушгани учунми, кулол. Қолган болаларимизнинг ҳаммаси санъат соҳасида ишлашади. Ўғилларимиз олий маълумотли: Умиджон 14-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида мусиқа ўқитувчиси, Уйғунжон шу мактабда директор ўринбосари, Ўткирбек Фарғона санъат коллежида мусиқа ўқитувчиси бўлиш билан бирга, ака-сингиллари билан мусиқа ва санъат мактабида ҳам ишлайди. Уларнинг овозлари ҳам, санъатга қизиқишлари ҳам, ҳатто характерлари ҳам отасига ўхшайди. Кичкина қизим Насибахон ҳам акалари билан бирга ишлайди, у болаларга дутор чалиш сирларини ўргатади. Ўғилларим эл хизматида, отасининг қўшиқларини айтишади, ўзлари янги қўшиқлар яратишади. Овозлари тиниқ ва жарангдор. 14 нафар невараларимиз орасида санъатга қизиқадиганлари ҳам борлигидан қувонаман. Уйғунжоннинг боласига унга ўхшаб элда азиз инсон бўлсин, деган яхши ният билан бобосининг отини қўйганмиз.

**– Умиджон Тўхтасинов "Беклигимни кўрмаган отам" қўшиғини:**

*Эркаланиб чин суёлмадим,*
*Кўзингизга термулолмадим,*
*Зарчопонлар олиб беролмадим,*
*Пешонамга сиғмаган отам,*
*Беклигимни кўрмаган отам –*
**дея дард билан куйлаган...**

– Бу аслида Сайёра Тўйчиеванинг шеъри бўлиб, қайнонам оламдан ўтганларидан кейин анча вақт ўтиб, Маъмуржон ака куйлаган "Беклигимни кўрмаган онам" қўшиғидир. Отаси вафот этганида Умиджон уйланиб, эндигина қизчалик бўлган пайти эди. Ҳали бундай айриликқа тайёр эмас эди. Унинг соғинчи дунёларга сиғмади шекилли, жуда ўртанди. "Онажон, дадамнинг шу қўшиғини отамга бағишлаб айтай", деди. Рухсат бердим. Шояд ҳамма дарди шу қўшиқдаги ноласи билан чиқиб кетиб, бироз енгиллашса, дедим...

**– Турмуш ўртоғингизнинг қайси қўшиғини яхши кўриб тинглайсиз?**

– Ҳаммасини яхши кўраман, аммо "Буни умр дерлар" қўшиғини бошқача меҳр билан тинглайман...

*Кимдур эшик очар, кимлардур ёпар,*
*Кимдур малҳам бўлар, кимлардур қопар,*
*Кимдур сокин дарё, кимлардур чопар,*
*Буни умр дерлар кундузли, тунли,*
*Буни умр дерлар, шодлик, қайғули...*

Негадир шу қўшиқ менга мадад бераётгандек, иккаламизнинг ҳаётимиз ҳақида сўзлаётгандай, орамиздаги узилмас риштага ўхшайди… Ҳофиз руҳан биз билан биргадай туюлаверади, ҳамиша кўнглимда, ёнимда юргандай…

**– Халқ севган ҳофиз Маъмуржон Тўхтасинов билан ўтган умрингизнинг турли саҳифалари ҳақида гапирсангиз. Яъни, ҳар биримизнинг ҳаётимизда бўладиган оқ ва қора ранглар хусусида.**

– Ёрқин ранглар – Маъмуржон аканинг жисмидан дард бироз чекинган, у оёққа турган кунлар қувончини ҳеч нарса билан баҳолай олмайман. Ўша кунлари мен яшамадим – гўё осмонларда учиб юрар эдим. Қора ранглар... 2010 йилда оёқлари оғриб юрганида кутилмаганда шифокорнинг Маъмуржон аканинг жигаридаги давосиз дард ҳақидаги қўрқинчли ташхиси ва орадан олти ой ўтгач содир бўлган даҳшатли воқеа билан боғлиқ...

*Ҳа, одамларнинг меҳру муҳаббатига, ҳурмату эҳтиромига сазовор бўлган халқ севган ҳофиз бугун орамизда йўқ. Аммо у ўзининг юз бора эшитсанг ҳам яна тинглагинг келаверадиган, ширали овози билан мухлисларини сеҳрлаб қўядиган, ҳар гал эшитганингда руҳиятингни санъатнинг бепоён кенгликларига олиб кетадиган ўлмас қўшиқлари билан ҳар бир мухлисининг кўнгил уйида абадий яшайверади. Инсонларни эзгуликка, яхшиликка чорловчи, ўзидан яхши ном қолдиришга ундовчи қўшиқлари эса ҳар бир ўзбек хонадонида, ҳар куни янграйверади:*

***Ортингда қани, ўйла-чи бир он – нима қолди?***
***Армон қолдими, қолдими тўфон, нима қолди?***
***Инсон боласи олгай нафас орзу-ҳавас-ла,***
***Шодлик қолдими, қолдими пушмон – нима қолди?***
***Инсон ҳаёти ёниб ўчар нурга баробар,***
***Нур қолдиму сендан зимистон, нима қолди?...***

*Ҳофизнинг ортида қалби санъатга ошуфта оқил ва оқила фарзандлари, мухлислари ҳар куни севиб тинглайдиган абадийликка дахлдор дурдоналари – санъати билан қоришган НУР қолди!*

**"Adolat" мухбири Саодат МАТЁҚУБ қизи суҳбатлашди**


ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ**

**Таҳрир ҳайъати:**

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

**Бўлимлар:**
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Котибият — 71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

**Масъул котиб — Абдуғани Содиқов**
**Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов**

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

**1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган**

info@adolatgzt.uz
adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 700

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

**Адади – 1334**
**Босишга топшириш вақти – 22.30**
**Босишга топширилди – 23.10**
**Баҳоси келишилган нархда**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

**«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.**
**Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**